

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

43-сон
(959)
2020 йил
2 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

471. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 26 октябрдаги ЎРҚ–643-сон Қонуни
472. «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ–644-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

473. «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ–6096-сон Фармони
474. «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон Фармони

475. «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6098-сон Фармони

Бешинчи бўлим

476. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг 2020 йил 10 октябрдаги 58-сон «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиа йўловчилари ҳисобидаги чет эл фуқароларига транзит визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1056-1*)
477. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 21 сентябрдаги 21/13-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994-2*)
478. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 01-02/12-14-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 10 сентябрдаги 66-сон «Божхона чегарасидан олиб ўтиладиган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-3*)
479. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 28 октябрдаги 242-мқ-сон «Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-2*)
480. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 28 октябрдаги 235-мқ-сон «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2333-3*)

481. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 24 октябрдаги 3-сон, Молия вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 46-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3066-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

471 Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 5 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 21 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8,

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 октябрда эълон қилинган.

310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **248-модда:**

биринчи қисмидаги «56¹-моддасида» деган сўзлар «54, 56¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

2-бандидаги «56¹-моддасида» деган сўзлар «54, 56¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, 225-моддасининг биринчи — бешинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари»;

4-бандидаги «56¹-моддасида» деган сўзлар «54, 56¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-бандидаги «125-моддасида» деган сўзлар «54, 123, 125-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-бандидаги «125-моддасида» деган сўзлар «54, 123, 125-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-бандидаги «125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «54, 123-моддаларида, 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда иккинчи қисмининг 2 — 7-бандларида кўрсатилган ички ишлар органлари ходимлари ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазони фақат карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши муносабати билан тегишли ҳудудларда ёки объектларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган тақдирда, қўллашга ҳақлидир»;

2) **291-модда:**

биринчи қисмининг «а» кичик бандидаги «90¹-моддасида» деган сўзлар «54-моддасининг иккинчи қисмида (транспорт воситаларининг ҳара-

катланишига чекловлар бузилиши қисмида), 90¹-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши муносабати билан тегишли ҳудудларда ёки объектларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган шароитларда транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан ушбу Кодекс 54-моддасининг иккинчи қисмида (транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловлар бузилиши қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, транспорт воситаларини ушлаб туриш ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунига қадар амалга оширилади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 октябрь,
ЎРҚ-643-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

472 Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 22 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади наркологик ёрдам соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Наркологик ёрдам тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Наркологик ёрдам тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг наркологик ёрдам тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

мажбурий даволаш — наркологик касалликларга чалинган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида мажбурий даволаш учун мўлжалланган муассасаларда кўрсатиладиган наркологик ёрдам тури;

наркологик ёрдам — наркологик касалликлар профилактикасини, наркологик касалликларга чалинган шахсларни текширишни, уларга маслаҳат беришни, ташхис қўйишни, уларни даволашни, тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ўз ичига олувчи ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тури;

наркологик касаллик (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) — психоактив моддаларга патологик ружу қўйиш, улардан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали касаллик;

наркологик касалликка чалинган шахс — ўзига нарколог шифокор томонидан наркологик касаллик ташхиси қўйилган шахс;

наркологик касалликларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш — наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳаёт фаолиятига доир чекловларни бартараф этишга ёки ком-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 октябрда эълон қилинган.

пенсация қилишга, йўқотилган ижтимоий алоқаларини ҳамда ижтимоий мақомини тиклашга, меҳнат ва маиший шароитларга мослашувини таъминлашга қаратилган тиббий, психологик, тарбиявий, таълимга оид, ижтимоий, ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

наркология муассасалари — аҳолига наркологик ёрдам кўрсатувчи наркология марказлари, шифохоналари, диспансерлари, психоневрология диспансерлари тузилмасидаги бўлинмалар, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг наркология кабинетлари;

наркологик экспертиза — тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масалаларини, маъмурий, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш жараёнида юзага келадиган бошқа масалаларни ҳал этиш учун наркологик касалликка ташхис қўйишга қаратилган шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш;

психоактив моддалар — марказий асаб тизимига ўзига хос таъсир кўрсатадиган, мунтазам равишда истеъмол қилганда руҳан ва жисмонан қарамликни юзага келтириши мумкин бўлган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий кимёвий моддалар;

психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш — шахсларда мастлик ҳолатини аниқлашга қаратилган тиббий кўрик усуллари ва тиббий текширувлар мажмуи.

4-модда. Наркологик ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари

Наркологик ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари қонунийлик, махфийлик, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги, раҳм-шафқат ва инсонпарварликдан иборатдир.

2-боб. Наркологик ёрдам соҳасини тартибга солиш

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
наркологик ёрдам соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқиши, тасдиқланиши ҳамда амалга оширилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг наркологик ёрдам соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга ошириши мумкин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:
наркологик ёрдам соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

наркологик ёрдам соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

мамлакатдаги наркологик вазиятни ўрганади, наркологик касалликлар тарқалганлиги таҳлилини амалга оширади;

наркологик ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

наркологик касалликларга чалинган шахсларни эрта аниқлаш, уларга маслаҳат бериш, уларни тиббий текширувдан ўтказиш, даволаш, профилактика ва диспансер кузатувиغا олиш ҳамда тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ижтимоий мослашувига ва қайта ижтимоийлашувига доир тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

шошилинич тиббий ёрдам кўрсатилишини ва наркологик касалликларнинг соматик асоратларини тегишли ихтисослашувдаги даволаш-профилактика муассасаларида даволашни таъминлайди;

аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш самарадорлиги мониторингини амалга оширади;

наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

наркологик ёрдам соҳасидаги тармоқ дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

фуқароларнинг, аввало ёшларнинг психоактив моддаларни нотиббий равишда истеъмол қилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этади;

психоактив моддаларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлайди ва уларни тиббий текширувдан ўтишга олиб боради;

соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг хулосалари асосида наркологик касалликларга чалинган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширади;

наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш учун ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминлайди, шунингдек ушбу шахсларни суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида наркология муассасаларига олиб боришга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига мувофиқ ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари қўлланилган шахсларни жазони ижро этиш тизимининг ихтисослаштирилган муассасаларида мажбурий даволашни амалга оширади;

наркологик касалликларга чалинган, наркология муассасаларида даволаниб чиққан, шу жумладан мажбурий тарзда даволаниб чиққан шахслар устидан кузатувни ташкил этади ҳамда уларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг майший мослашувига кўмаклашади;

наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳамда наркологик ёрдам кўрсатувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг наркологик ёрдам соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

наркологик ёрдам соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

тегишли ҳудудда наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди;

наркологик ёрдам кўрсатувчи тиббиёт муассасалари тармоғини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни ва инфратузилмани яратади;

наркология муассасалари қошида ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик фаолиятига ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этишга, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этишга кўмаклашади, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш учун инвестицияларни жалб этишга кўмаклашади;

наркологик касалликларга чалинган, наркология муассасаларида даволаниб чиққан, шу жумладан мажбурий тарзда даволаниб чиққан шахсларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг майший мослашувига доир тадбирларни амалга оширади.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг ва таълим муассасаларининг наркологик касалликлар профилактикасида иштирок этиши

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари:

наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

таълим муассасаларининг ўқувчилари ўртасида наркологик касалликлар профилактикасига доир тармоқ дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

таълим муассасаларининг ўқувчилари ўртасида психоактив моддаларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлаш чора-тадбирларини кўради;

таълим муассасаларида психоактив моддаларнинг тарқалишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этади;

таълим муассасаларининг ўқувчиларида соғлом турмуш тарзига мойиллик шакллантирилишини таъминлайди;

болаларда психоактив моддаларни истеъмол қилишга ўрганиб қолишга сабаб бўлувчи ижтимоий омиллар таъсирига бардошлиликни шакллантириш бўйича оилалар билан иш олиб боради;

наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳамда наркологик ёрдам кўрсатувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилади.

Таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ наркологик касалликлар профилактикаси бўйича бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

10-модда. Меҳнат органларининг наркологик касалликлар профилактикасида иштирок этиши

Меҳнат органлари:

наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг бандлигини таъминлашга доир ишларда наркология муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

мажбурий даволанаётган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тадбирларни маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда наркология муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширади;

наркологик касалликларга чалинган, наркология муассасаларида даволаниб чиққан, шу жумладан мажбурий тарзда даволаниб чиққан шахсларни ишга жойлаштиришга кўмаклашади.

Меҳнат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ наркологик касалликлар профилактикаси бўйича бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

11-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг наркологик касалликлар профилактикасида иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ҳамда бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

наркологик ёрдам тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

наркологик касалликларга чалинган, шу жумладан ғайриижтимоий хулқ-атворга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга оширишда ички ишлар органларининг профилактика инспекторларига кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ наркологик касалликлар профилактикаси бўйича бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

3-боб. Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш

12-модда. Давлат томонидан кафолатланган наркологик ёрдам

Давлат:

психоактив моддалардан ўткир заҳарланиш, психоактив моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ алкогольли психозлар ва заҳарланиш натижасидаги психозлар чоғида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилишини;

амбулатория ва стационар шароитларда маслаҳат бериш-ташхис қўйи-лишини, даволашни, психопрофилактик, реабилитация, ижтимоий ёрдам кўрсатилишини кафолатлайди.

13-модда. Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш муассасалари

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг наркология муассасалари ёки «Наркология» ихтисослиги бўйича тиббий фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган хусусий тиббиёт муассасалари аҳолига наркологик ёрдам кўрсатади.

Наркология диспансерлари Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида, шунингдек мамлакатнинг йирик шаҳарларида республика, вилоят, шаҳар ёки туманлараро даражада мустақил даволаш-профилактика муассасалари сифатида ташкил этилади.

Амбулатория шароитларидаги наркологик ёрдам туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари тузилмасида ташкил этилган наркология кабинетлари томонидан кўрсатилади.

Стационар шароитлардаги наркологик ёрдам Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази, наркология диспансерлари, психоневрология муассасаларининг наркология бўлимлари, мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология шифохоналари, наркология диспансерларининг мажбурий даволаш учун мўлжалланган бўлимлари томонидан кўрсатилади.

Психоактив моддалардан ўткир заҳарланиш чоғида шошилиш тиббий ёрдам ҳудудий шошилиш тиббий ёрдам марказлари томонидан кўрсатилади.

14-модда. Наркологик касалликлар профилактикаси

Наркологик касалликлар профилактикаси психоактив моддаларнинг тарқалишига ва нотиббий равишда истеъмол қилинишига, шу жумладан алкогольни суистеъмол қилишга имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, уларнинг шахсий, ижтимоий ва тиббий салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган ижтимоий, маърифий ҳамда тиббий-психологик тадбирлар мажмуидан иборатдир.

Наркологик касалликлар профилактикаси бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикани ўз ичига олади.

Наркологик касалликларнинг бирламчи профилактикаси психоактив моддаларни истеъмол қилишга ўрганиб қолишга сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш ёки шахснинг ушбу омиллар таъсирига бардошлилигини ошириш орқали мазкур моддаларни биринчи марта нотиббий равишда истеъмол қилишга уринишнинг олдини олишга қаратилган тиббий, педагогик, психологик ва ижтимоий чора-тадбирлар тизимидир.

Наркологик касалликларнинг иккиламчи профилактикаси психоактив моддаларни истеъмол қилишни бу моддаларга нисбатан қарамлик шаклланишига қадар тугатишга қаратилган тиббий, педагогик, психологик, психотерапевтик ва ижтимоий чора-тадбирлар тизимидир.

Наркологик касалликларнинг учламчи профилактикаси наркологик касаллик авж олишининг ҳамда унинг ижтимоий ва тиббий салбий оқибатлари юзага келишининг олдини олишга қаратилган тиббий, психологик, психотерапевтик ва ижтимоий чора-тадбирлар тизимидир.

4-боб. Наркологик касалликка чалинган шахсларга наркологик ёрдам кўрсатиш

15-модда. Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқлари

Наркологик касалликка чалинган шахслар қўйидаги ҳуқуқларга эга:
ўз ҳуқуқлари, ўзидаги мавжуд наркологик касалликларнинг хусусияти, қўлланиладиган даволаш ва реабилитация қилиш усуллари тўғрисида ахборот олиш;

даволашни амалга ошириш шароитларини (амбулатория ёки стационар), даволовчи таъсир ўтказиш ҳажми ва усуллари танлашда, даволаш ва реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги режасини тузишда иштирок этиш, бундан ушбу Қонуннинг 5-бобида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

наркология муассасаси билан тиббий ёрдам ва реабилитация ёрдамини кўрсатиш тўғрисида ёзма шартнома тузиш, бундан ушбу Қонуннинг 5-бобида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

тиббий воситалар ва усулларни синаш, илмий тадқиқотлар ёки ўқув жараёнида ўзидан объект сифатида фойдаланилишига, шунингдек фото-, видео- ёхуд кинотасвирга олинишга олдиндан ёзма розилик бериш ёки уни рад этиш, шу жумладан исталган босқичда рад этиш;

таклиф қилинаётган даволанишни рад этиш ёки уни исталган босқичда тўхтатиш, бундан ушбу Қонуннинг 25-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

наркология муассасасининг раҳбарига ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори турувчи соғлиқни сақлаш органига ёки судга мурожаат қилиш, ўз

хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокатни ёхуд қонуний вакилини жалб этиш.

16-модда. Соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида профилактика кузатуви (профилактик ҳисобга олиш) ва диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш)

Профилактика кузатуви (профилактик ҳисобга олиш) алкоғолни мунтазам равишда истеъмол қилувчи, гиёҳвандлик воситаларини ёки бошқа психоактив моддаларни ҳар замонда истеъмол қилувчи шахсларда руҳан ва жисмонан қарамликнинг клиник белгиларисиз нарқологик касаллик ривожланишининг олдини олиш мақсадида нарқология муассасалари томонидан амалга оширилади. Профилактика кузатуви (профилактик ҳисоб) остидаги шахсларга нисбатан психоактив моддаларга руҳан ва жисмонан қарамликнинг шаклланиши хавфига доир омилларни бартараф этишга қаратилган тиббий, педагогик, психологик, психотерапевтик ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилади.

Нарқологик касалликларга чалинган шахсларнинг диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш) нарқология муассасалари томонидан уларга психоактив моддаларни нотиббий равишда истеъмол қилишдан тийилишни ва нарқологик касалликнинг тиббий-ижтимоий оқибатларининг олдини олишни таъминлайдиган малакали нарқологик ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

Нарқология муассасасига даволанишдан ўтиш учун ихтиёрий равишда мурожаат этган нарқологик касалликларга чалинган шахсларнинг илтимосига кўра, уларнинг диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш) белгиланмаслиги мумкин.

Мажбурий диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига) қуйидаги шахслар олиниши лозим:

шахсиятида нарқологик касаллик билан боғлиқ бўлган аниқ кўриниб турган ўзгаришлар бўлган шахслар;

алкоғоли ёки заҳарланиш натижасидаги психозларни бошдан кечирган шахслар;

нарқологик касалликларга чалинган, нарқологик ёрдам сўраб мурожаат қилгунига қадар, даволаниш даврида ёки даволаниш тугалланганидан кейин ғайриижтимоий хулқ-атвор белгиларини намоён этувчи шахслар;

бир йил мобайнида икки ва ундан ортиқ марта психоактив моддалар таъсиридан мастлик ва (ёки) ўткир заҳарланиш ҳолатида тиббиёт муассасаларига олиб келинган шахслар;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, нарқологик касалликлари туфайли ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари қўлланилган шахслар;

нарқология муассасасида даволаниб чиққанидан кейин бир йил мобайнида нарқологик касаллиги икки мартадан ортиқ қайталанган шахслар.

Нарқологик касаллик ташхисини қўйиш нарқолог шифокорларнинг мутлақ хуқуқидир. Профилактика ёки диспансер ҳисобига қўйиш ҳақида-

ги қарор наркология муассасасининг тиббий комиссияси томонидан қабул қилинади.

Профилактика кузатуви (профилактик ҳисобга олиш) ва диспансер кузатуви (диспансер ҳисобига олиш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

17-модда. Наркологик касалликка чалинган шахснинг даволанишга розилиги

Наркологик касалликка чалинган шахсни даволаш унинг ёзма розилиги ёки қонуний вакилининг ёзма розилиги олинганидан кейин амалга оширилади, бундан ушбу Қонуннинг 25-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Шифокор даволанишга ёзма розилик олиш учун наркологик касалликка чалинган шахсга ёки унинг қонуний вакилига касалликнинг хусусияти, даволашнинг мақсади ва усуллари, даволашнинг давомийлиги тўғрисида, шунингдек юзага келиш эҳтимоли бўлган асоратлар хавфи, ножўя таъсирлар ва қутилаётган натижалар ҳақида ахборот бериши шарт. Даволаниш учун ёзма розилик тиббий ҳужжатларга қўшиб қўйилади.

Ўн тўрт ёшдан катта вояга етмаган шахслар тиббий аралашувга ихтиёрий ёзма розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Наркологик касалликка чалинган ва ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган ёшга тўлмаган шахсларга ҳамда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга нисбатан даволаниш учун ёзма розиликни уларнинг қонуний вакиллари ушбу шахслар соғлиғининг ҳолати ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилинганча беради. Қонуний вакиллар йўқлигида даволаш тўғрисидаги қарорни шифокорлар консилиуми қабул қилади, консилиум йўқлигида эса, қарорни даволовчи шифокор қабул қилади.

18-модда. Наркологик ёрдамни рад этиш

Наркологик касалликларга чалинган шахслар наркологик ёрдамни рад этиши мумкин.

Наркологик ёрдамни рад этиш наркологик касалликка чалинган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг аризаси билан расмийлаштирилиб, даволовчи шифокор ва бўлим мудирининг имзолари билан тасдиқланади.

Наркологик ёрдамни рад этган шахсларга ёки уларнинг қонуний вакилларига наркологик ёрдамни рад этишнинг эҳтимол тутилган оқибатлари тўғрисида тушунтирилиши керак.

Наркологик касалликка чалинган шахсни наркологик ёрдам олишни рад этишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

19-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсга ўз розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз наркологик ёрдам кўрсатиш

Наркологик касалликка чалинган шахсга ўзининг ёзма розилигисиз ёки

қонуний вакилининг ёзма розилигисиз наркологик ёрдам кўрсатишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

наркологик касалликка чалинган шахсда психоактив моддаларни истеъмол қилиши оқибатида унинг ўзи ва атрофидаги шахслар учун бевосита хавф солувчи алкоғолли ёки заҳарланиш натижасидаги психозлар юзага келганда;

хаётий кўрсатмаларга кўра кечиктириб бўлмайдиган тиббий аралашув зарур бўлганда;

ушбу Қонуннинг 25-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган асосларга кўра мажбурий даволаш қўлланилганда.

Психоактив моддаларни истеъмол қилиш оқибатида юзага келган алкоғолли ёки заҳарланиш натижасидаги психоз ҳолатидаги шахсга унинг ёзма розилигисиз наркологик ёрдам кўрсатиш зарурлиги ҳақидаги қарор уни кўрикдан ўтказувчи нарколог шифокор ёки психиатр шифокор томонидан қабул қилинади. Алкоғолли ёки заҳарланиш натижасидаги психоз тўхта-тилганидан (бартараф этилганидан) кейин наркологик касалликни даволашни давом эттириш наркологик касалликка чалинган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг ихтиёрий ёзма розилиги асосида амалга оширилади.

20-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсга тўлиқ ҳажмда наркологик ёрдам кўрсатишни рад этиш ёки ёрдам кўрсатиш муддатини кечиктириш

Наркологик касалликка чалинган шахсда тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган тақдирда, унга тўлиқ ҳажмда наркологик ёрдам кўрсатиш рад этилиши ёки уни кўрсатиш муддати кечиктирилиши мумкин.

Наркологик касалликка чалинган шахсда рад этиш ёки муддатини кечиктириш учун асос бўлган тиббий қарши кўрсатмалар бартараф этилганда наркологик ёрдам тўлиқ ҳажмда кўрсатилиши мумкин.

21-модда. Наркологик касалликларга чалинган шахсларни даволаш

Наркологик касалликларга чалинган шахсларни амбулатория ёки стационар шароитларда даволашни ўтказишга доир тиббий кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш мазкур Қонуннинг 5-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Наркологик ёрдамга муҳтож бўлмаган шахсларнинг наркология муассасасига асосиз равишда ётқизилишига йўл қўйилмайди.

Наркологик касалликларга чалинган шахсларни даволаш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган тиббий воситалар ва усуллардан фойдаланилади.

Тиббий воситалар ва усуллардан фақат даволаш мақсадида фойдаланилиши керак ҳамда улар наркологик касалликларга чалинган шахсларни жазолаш воситаси сифатида хизмат қилиши мумкин эмас.

Даволаш наркологик касалликка чалинган шахснинг ўзига хос шахсий хусусиятлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинадиган якка тартибдаги режага асосланади, бу режа ушбу шахснинг ўзи ёки унинг қонуний вакили билан муҳокама қилинади.

Қўлланиладиган ташхис қўйиш ва даволаш усуллари, шу жумладан психотерапевтик технологиялар ҳақидаги маълумотлар касаллик тарихига ёки амбулатория картасига киритилади.

Наркологик касалликларга чалинган шахслар бошқа даволаш-профилактика муассасаларида бўлган тақдирда, улар маслаҳат тарзидаги наркологик ёрдам билан таъминланади.

Наркология муассасасида стационар даволанишда бўлган шахсларга, зарурат бўлганда, бошқа мутахассисларнинг маслаҳат бериши таъминланади.

Наркология муассасасида стационар даволанишда бўлган шахсларда бошқа ихтисосликдаги даволаш-профилактика муассасаларида кўрсатиладиган шошилинич тиббий ёрдамни талаб этадиган ҳолатлар аниқланган тақдирда, улар тез тиббий ёрдам хизмати орқали зудлик билан тегишли даволаш-профилактика муассасаларига ўтказилади.

22-модда. Наркология муассасасида даволанишда бўлган шахснинг мажбуриятлари

Наркология муассасасида даволанишда бўлган шахс наркология муассасасининг ички тартиб-қоидаларига риоя этиши шарт.

Наркология муассасасида даволанишда бўлган шахс томонидан наркология муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлик уни даволаш муассасасидан чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлиши мумкин, бундан ушбу Қонуннинг 5-бобида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

23-модда. Наркологик касалликларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш

Наркологик касалликларга чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш фақат наркологик касалликка чалинган шахснинг ихтиёрий ёзма розилиги асосида, наркология муассасаси билан тиббий ёрдам ва реабилитация ёрдами кўрсатиш тўғрисида ёзма шартнома тузилганидан кейин амалга оширилади, бундан ушбу Қонуннинг 5-бобида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Наркологик касалликларга чалинган ва тиббий-ижтимоий реабилитациядан ўтиш хоҳишини билдирган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги наркология муассасалари томонидан реабилитация қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

24-модда. Наркологик касалликларга чалинган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш

Наркологик касалликларга чалинган шахслар тўғрисидаги, шу жумла-

дан уларни текширувдан ўтказиш натижалари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

ички ишлар органларида профилактика кузатуви зарур бўлганда;
прокуратура, тергов, суриштирув органларининг, шунингдек суднинг тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилиши муносабати билан сўровига кўра;
терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг сўровига кўра;
мажбурий даволаш зарур бўлганда;
мажбурий даволаш тугалланганда;
даволанишдан ўтиш учун такроран чақиртирилганидан кейин шахс наркология муассасасига боришни рад этганда;
чақирувга қадар бўлган ёшдаги ва чақирув ёшидаги шахслар ҳарбий-тиббий комиссиядан ўтаётганида;
никоҳланувчи шахслар тиббий кўрикдан ўтаётганида.

5-боб. Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш

25-модда. Мажбурий даволашни қўллаш учун асослар

Мажбурий даволаш наркологик касалликларга чалинган, атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузаётган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил ичида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда ушбу Қонунга мувофиқ мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида қўлланилади.

26-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш тартиби

Худудий ички ишлар органининг бошлиғи наркологик касалликка чалинган, психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун бир йил мобайнида бир мартадан ортиқ маъмурий жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш чиқаради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсга унинг мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги тўғрисидаги огоҳлантириш ички ишлар органлари ходими томонидан эълон қилиниб, унга огоҳлантиришнинг кўчирма нусхаси топширилади ва бу ҳақда баённома тузилади.

Мажбурий даволашга юборилиши мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантиришнинг шакли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

27-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга муҳтож деб топиш тартиби

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга муҳтож

деб топиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар наркология диспансерлари таркибида тузиладиган наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Наркологик экспертизаларни ўтказиш учун ихтисослаштирилган тиббий комиссиялар наркологик касалликка чалинган шахсга нисбатан тиббий хулоса чиқаради.

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса клиник текширув жараёнида олинган маълумотларга, шунингдек қуйидагилар томонидан тақдим этилган иш материалларидаги маълумотларга асосланади:

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар томонидан — шахсни наркологик касалликка чалинган деб топиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун;

суриштирув ва тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига мувофиқ тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун.

28-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар наркология муассасаларининг, наркологик касалликка чалинган шахс оила аъзоларининг ёки қариндошларининг илтимосномалари асосида ички ишлар органлари томонидан тайёрланади ва расмийлаштирилади.

29-модда. Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тартиби

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарор унинг яшаш жойидаги ёки наркология муассасаси жойлашган ердаги суд томонидан ушбу шахс ҳозирлигида қабул қилинади.

Наркологик касалликка чалинган шахснинг суд мажлисига келиши ички ишлар органлари ходими кузатувида амалга оширилади. Наркологик касалликка чалинган шахс рад этган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ суднинг қарорига асосан мажбуран олиб келиш амалга оширилади.

Суднинг наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва ички ишлар органлари томонидан дарҳол ижро этилади.

Суднинг наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қарори устидан ушбу қарор ўзига нисбатан чиқарилган шахс ёки унинг адвокати, қонуний вакили томонидан 72 соат ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши ёхуд прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Мажбурий даволашнинг давомийлиги наркологик касалликка чалинган шахс даволаш учун жойлаштирилган кундан эътиборан беш кунлик муддатда наркология муассасасининг тиббий комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган клиник-ташхис қўйиш стандартлари ва даволаш баённомаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш шахс даволанаётган наркология муассасаси тиббий комиссиясининг қарори асосида тугатилади.

Наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволаш давомийлиги ўн саккиз ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

Суднинг наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори ушбу шахс билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос бўлади.

30-модда. Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш учун мўлжалланган муассасалар

Наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тузилмасида мажбурий даволаш учун бўлим ташкил этилган наркология муассасаларида ёки мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология шифоналарарида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимининг ихтисослаштирилган муассасаларида амалга оширилади.

31-модда. Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаларида даволаш жараёнини ташкил этиш

Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаларида даволаш жараёнини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мажбурий даволашни ўтказишга доир тиббий қарши кўрсатмалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

32-модда. Мажбурий даволанаётган шахсларга нисбатан меҳнат терапиясини қўллаш тартиби

Наркологик касалликларга чалинган шахслар мажбурий даволанишда бўлиши даврида даволаш мақсадида ва уларнинг жисмоний ҳолати ҳисобга олинган ҳолда, шунингдек тиббий кўрсатмаларга мувофиқ уларга нисбатан меҳнат терапияси қўлланилади.

Меҳнат терапиясини ўтказиш наркология муассасалари қошида ташкил этиладиган, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил этиладиган, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик фаолиятига ихтисослаштирилган корхоналарда ёки саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат терапиясини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома бўйича амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий даволанаётган ва меҳнат терапияси тартибида меҳнат фаолиятига жалб қилинган шахсларнинг иш вақти давомийлиги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган иш вақти давомийлиги нормаларига мувофиқ бўлиши керак.

Меҳнат жараёнини ташкил этиш корхона маъмурияти томонидан наркология муассасасининг тиббиёт ходимлари назорати остида амалга оширилади.

Мажбурий даволанаётган ва меҳнат терапияси тартибида меҳнат фаолиятига жалб қилинган шахсларда меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлган тақдирда, меҳнат дафтарчасига мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасида бўлиш давридаги меҳнат фаолияти тўғрисида белги қўйилади, меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаганда эса маълумотнома берилади.

Мажбурий даволанаётган ва меҳнат терапияси тартибида меҳнат фаолиятига жалб қилинган шахсларга корхоналар томонидан амалдаги нормалар, нархлар, меҳнатга ҳақ тўлаш шартларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ҳақи ҳисобланади.

Корхоналар ишланган вақт учун ҳисобланган иш ҳақининг ўттиз фоизини мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар махсус ҳисобварағига ўтказиши, иш ҳақининг қолган қисми эса солиқлар, алиментлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ушланмалар чегириб ташланган ҳолда меҳнат терапияси тартибида меҳнат фаолиятига жалб этилган шахснинг ўз шахсий ҳисобварағига ўтказилади. Наркология муассасасига мазкур шахсларнинг фамилиялари рўйхати ҳам бу шахсларга ўтказилган иш ҳақи суммалари кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлар махсус ҳисобварағида ҳосил бўладиган маблағлар ушбу муассасада даволанаётган шахсларнинг қўшимча овқатланишига, шунингдек бу муассасаларнинг бинолари ва иншоотларини капитал таъмирлашга, уларнинг ҳудудларини ободонлаштиришга, тиббий асбоб-ускуна, хўжалик ва маданий ашёларни олишга, даврий матбуот нашрларига обуна бўлишга, кутубхоналар учун адабиётлар харид қилишга, маданий тадбирларни ўтказишга сарфланиши мумкин.

33-модда. Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг мажбурий даволаш учун мўлжалланган муассасалардаги хулқ-атвори қоидалари ва уларни сақлаш шарт-шароитлари

Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаларида ушбу муассасалардаги наркологик касалликларга чалинган шахслар томонидан тиббий кўрсатмалар бажарилишини таъминловчи тартиб, уларнинг ўзбошимчалик билан кетиб қолиш имкониятини истисно этувчи доимий назорат ўрнатилади.

Мажбурий даволанаётган шахсларнинг наркология муассасасидан ташқарига чиқишига фақат даволаш-ташхис қўйиш тадбирларини ўтказиш ёки меҳнат терапияси тартибида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун нар-

кология муассасасининг тиббиёт ходимлари ва қўриқлаш ходимлари кузатувида рухсат берилади.

Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволанаётган шахсларга зарур моддий-маиший шароитлар таъминланади. Палаталар ҳар бир ётоқжой учун камида олти квадрат метр майдон ҳисобга олинган, кўпи билан тўртта ётоқ-жойга мўлжалланилган ҳолда ташкил этилиши керак.

Мажбурий даволанаётган шахслар ётар жой буюмлари ва мавсумий кийим-бош билан таъминланади.

Мажбурий даволанаётган шахслар учун овқатланиш ва моддий-маиший таъминот нормалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Мажбурий даволанаётган шахсларга пул маблағларини, моддий қимматликларни ва сақланиши тақиқланган, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган ашёларни ёнида сақлашга рухсат берилмайди. Олиб кўйилган пул маблағлари, моддий қимматликлар ва сақланиши тақиқланган ашёлар қариндошларига қайтарилади, қариндошлари йўқ бўлган тақдирда эса, мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг сақлаш хонасига топширилиб, бу ерда уларнинг бут сақланиши таъминланади.

Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасида наркологик касалликларга чалинган шахсларни сақлаш шароитлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ички тартиб-қоидалар билан белгиланади.

Мажбурий даволанаётган шахсларга газеталар, журналлар ва телевидениедан фойдаланиш таъминланади. Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаларида кутубхоналар ташкил этилади.

Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволанаётган ички тартиб-қоидаларни бузувчи ёки даволанишдан бош тортувчи ёхуд атрофидагиларнинг ёки бевосита ўзининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид соладиган ҳаракатларни содир этувчи шахслар махсус палатага жойлаштирилади, шахс махсус палатага жойлаштирилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида бу ҳақда прокурор хабардор қилиниши шарт.

Ушбу модданинг тўққизинчи қисмида назарда тутилган чора алоҳида ҳолларда қўлланилади ва мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаси раҳбарининг ёзма фармойишига кўра ўн суткагача бўлган муддатга амалга оширилади. Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг раҳбари иш жойида бўлмаган тақдирда, махсус палатага жойлаштириш ҳақидаги қарор мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг лавозими бўйича юқори турувчи ходими томонидан қабул қилиниб, кейинчалик мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг раҳбарига ахборот берилади, раҳбар махсус палатада сақлаб туриш муддатини ёзма фармойиш билан белгилайди.

Наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасини ўзбошимчалик билан тарк этган даври мажбурий даволаниш муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

34-модда. Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволанаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Наркологик касалликларга чалинган, наркология муассасасида мажбурий даволанаётган шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг ички тартиб қоидалари ва мазкур муассасада бўлишни тартибга соладиган бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

озик-овқат олиш, моддий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатилиши;

меҳнат терапияси тартибида меҳнат фаолиятини амалга ошириш;

ўз шахсий ҳисобварағида турган маблағлар ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотларини ва энг зарур нарсаларни, шунингдек мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг ҳудудида сақланиши ва фойдаланилиши тақиқланмаган бошқа ашёларни олиш;

ички тартиб қоидаларида белгиланган тартибда яқин қариндошлари билан учрашиш;

чекловсиз хат ёзиш ва хат олиш;

ички тартиб қоидаларида белгиланган тартибда йўқловлар олиш, посылкалар юбориш ва олиш;

ўз шахсий ҳисобварағига ўтказиладиган пул ўтказмаларини олиш;

ички тартиб қоидаларига ва мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасида даволанаётган бошқа шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда диний урф-одатларни бажариш;

ҳар кунлик сайр қилиш;

юқори турувчи соғлиқни сақлаш органига ёки судга мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаси ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

Наркологик касалликларга чалинган, наркология муассасасида мажбурий даволанаётган шахслар:

белгиланган ички тартиб қоидаларига риоя этиши;

мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасаси маъмуриятининг ва тиббиёт ходимларининг қонуний талабларини бажариши;

тайинланган даволашни қабул қилиши;

мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг мол-мулкини асраб-авайлаши;

мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасида тозаликни ва тартибни сақлаши;

шахсий гигиенага риоя этиши шарт.

35-модда. Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасида даволанаётган шахсларни муассасадан чиқариш асослари ва тартиби

Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасида даволанаётган шахслар:

мажбурий даволаш муддати тугагач ва шахс соғлигининг клиник ҳолатини ҳисобга олган ҳолда;

мажбурий даволашни ўтказишга тўсқинлик қиладиган қўшимча оғир касалликлар аниқланганлиги сабабли муассасадан чиқарилади.

Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасидан чиқарилган шахсларга улардан олиб қўйилган хужжатлар, пул маблағлари, моддий қимматликлар ва ашёлар қайтариб берилади.

Мажбурий даволаш учун мўлжалланган наркология муассасасининг маъмурияти наркологик касалликка чалинган шахс чиқарилишидан ўн кун олдин ички ишлар органларини, меҳнат органини, яшаш жойидаги наркология муассасасини чиқариб юборилган наркологик касалликка чалинган шахсларнинг маиший шароитларини яхшилашга ҳамда уларни ишга жойлаштиришга қўмаклашиш ва улар устидан кузатувни таъминлаш учун хабардор қилади.

36-модда. Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволаниб чиққан шахсларнинг касаллик қайталанишига қарши терапиядан ўтиши

Наркологик касалликларга чалинган, мажбурий даволаниб чиққан шахслар наркология муассасасидан чиқарилганидан ёки жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганидан кейин яшаш жойидаги наркология муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда касаллик қайталанишига қарши терапиядан ўтиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар касаллик қайталанишига қарши терапиядан ўтишдан бош тортган тақдирда, ички ишлар органлари томонидан мажбурий равишда олиб келинади.

37-модда. Мажбурий даволаниб чиққан шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг маиший шароитларини яхшилаш

Мажбурий даволаниб чиққан шахсларни ишга жойлаштириш ва уларнинг маиший шароитларини яхшилаш уларнинг яшаш жойи бўйича амалга оширилади ҳамда яшаш жойидаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ички ишлар органлари, меҳнат органлари ҳамда наркология муассасалари зиммасига юклатилади.

Наркологик касалликларга чалинган ва мажбурий даволанишга юборилган шахсларнинг аввалги яшаш жойи бўйича уй-жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

6-боб. Наркологик экспертиза ва тиббий текширувдан ўтказиш

38-модда. Наркологик экспертиза

Наркологик экспертиза наркология муассасаларида:

терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг қарори асосида;

мажбурий даволашга муҳтож шахсларга нисбатан ички ишлар органларининг ходимлари томонидан тайёрланган материаллар асосида ўтказилади.

39-модда. Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш

Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш наркология диспансерлари ёки бошқа даволаш-профилактика муассасалари тузилмасида ташкил этилган махсус кабинетларда амалга оширилади, бундай муассасалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан белгиланади.

Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш нарколог шифокорлар ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда махсус тайёргарликдан ўтган бошқа ихтисосликдаги шифокорлар томонидан амалга оширилади.

Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган усуллар ва воситалардан фойдаланилади.

Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказишга ташкилий-услубий раҳбарлик наркология диспансерлари томонидан амалга оширилади.

Психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказишга юбориш ва уни ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тиббий текширув натижаларидан норози бўлган шахслар ушбу натижалар устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

7-боб. Наркологик ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ходимлари

40-модда. Наркологик ёрдам кўрсатишга бўлган ҳуқуқ

Наркология бўйича ихтисосликка эга бўлган шифокор наркологик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Наркологик ёрдам кўрсатишда иштирок этадиган ўрта тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар наркологик касалликларга чалинган шахслар билан иш олиб бориш учун махсус тайёргарликдан ўтиши керак.

41-модда. Тиббиёт ходимларининг наркологик ёрдам кўрсатиш чоғидаги мажбуриятлари

Наркологик ёрдам кўрсатиш чоғида тиббиёт ходимлари:

наркологик касалликларга чалинган шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари тўғрисида тўлиқ ахборот бериши;

наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этиши;

наркологик касалликларга чалинган шахсларнинг наркология муассасида бўлиши даврида уларнинг хавфсизлигини таъминлаши, посилкалар ва йўқловларнинг таркибини назорат қилиши;

наркологик касалликларга чалинган шахсларга ёзишмалар, давлат органлари, муассасалар ва ташкилотларга мурожаатлар йўллаши учун шарт-шароитлар яратиши;

касбий тиббий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши;

наркологик касалликка чалинган шахс билан унинг психоактив моддаларга руҳан ва жисмонан қарамлиги муаммосини, текширувдан ўтишга, даволанишга ва тиббий-ижтимоий реабилитацияга доир яқка тартибдаги режани муҳокама қилиши;

наркологик касалликка чалинган шахсни текшириш ва уни даволаш чоғида олинган ахборотни ошкор этмаслиги, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

наркологик касалликларни даволашнинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган воситалари ва усулларидан фойдаланиши;

ўз малакасини доимий равишда ошириб бориши шарт.

42-модда. Наркологик ёрдам кўрсатишда иштирок этувчи тиббиёт ходимларига ва бошқа мутахассисларга кафолатлар ва имтиёзлар

Наркологик ёрдам кўрсатишда иштирок этувчи тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар алоҳида меҳнат шароитларида фаолият билан шуғулланувчи шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларни олиш ҳуқуқига эга.

Наркологик ёрдам кўрсатишда иштирок этувчи шахснинг соғлиғига зарар етказилиб, бу унинг меҳнат қобилияти вақтинча йўқотилишига сабаб бўлган тақдирда, шунингдек ногиронлик юз берганда — ушбу шахсга, у вафот этган тақдирда эса — унинг қарамоғидагиларга зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар**43-модда. Низоларни ҳал этиш**

Наркологик ёрдам соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

44-модда. Наркологик ёрдам тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Наркологик ёрдам тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

45-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»**ги 753–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 36-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Сурункали алкоголизм ёки гиёвандликка мубтало бўлган беморларни мажбуран даволаш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 753а–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 37-модда);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»**ги 73–I-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 121-модда) **250-банди**;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»**ги 371–I-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 69-модда) **19-банди**;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини тўла ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»**ги 550–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 17-модда) **37-банди**;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»**ги 714–I-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 5-модда) **илованинг 14-банди**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»**ги 813–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8,

312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 267-модда, № 9, 592-модда; 2020 йил, № 3, 203-модда) **VI боби**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги 175–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 23-модда) **I бўлимининг 3-банди**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–542-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 267-модда) **5-моддаси**.

46-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

47-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

48-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 октябрь,
ЎРҚ–644-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

473 Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида*

Сўнги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат улуши сақланиб қолаётган айрим тармоқлар ва йирик корхоналарда бозор механизмларига ўтишнинг кечикаётганлиги янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, илғор технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хусусий капитални фаол жалб қилган ҳолда янги иш ўринлари яратишга тўсқинлик қилмоқда.

Давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўлиқ ўрганилганлиги ва иқтисодиётда давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушини кескин қисқартириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

Трансформация қилинадиган йирик давлат корхоналари ва хўжалик бирлашмалари рўйхати 1-иловага** мувофиқ;

Корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этиладиган, операцион самарадорлиги ошириладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

Хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активлари рўйхати 3-иловага** мувофиқ;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 октябрда эълон қилинган.

** 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдолар орқали хусусий секторга сотиладиган корхоналар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

Хусусий секторга сотиладиган давлат кўчмас мулки объектлари рўйхати 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Молия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 24 та штат бирлигидан иборат Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформация қилиш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин. Мазкур штат birlikлари молия ва давлат солиқ хизмати органларининг 12 тадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилсин.

Департаментнинг асосий вазифалари этиб мазкур Фармоннинг 1-илоvasида келтирилган давлат иштирокидаги корхоналарда қўйидагиларни амалга ошириш белгилансин:

Молия вазирлиги томонидан давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) ваколатлари ва функцияларини амалга оширишни ташкил этиш;

2021 йил 1 апрелга қадар 2019-2020 йиллар учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро кредит рейтингларини олиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш;

2021 йил 1 апрелга қадар ҳар бир корхона учун нуфузли халқаро консалтинг ташкилотларини танлов асосида жалб қилган ҳолда молиявий соғломлаштириш, операцион самарадорликни ошириш ҳамда ўрта ва узок муддатли ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш;

2021 йил 1 июлга қадар харидлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда «мувофиқлик тизими» (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

2021 йил 1 июлга қадар кузатув кенгашларига ва корхоналар бошқарувига халқаро танлов асосида чет эллик соҳа мутахассисларини (жумладан, ватандошларни) фаол жалб этиш орқали кузатув кенгашлари таркибининг камида 30 фоизини ва корхона бошқарувининг камида 3 нафар раҳбар ходимини малакали халқаро мутахассислар билан тўлдириш.

3. Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг 1-илоvasидаги, Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ушбу Фармоннинг 2-илоvasидаги давлат иштирокидаги корхоналар бўйича:

2021 йил 1 январга қадар Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда халқаро стандартларга мувофиқ қайта баҳоланадиган конлар (давлат захиралари) рўйхати ва «йўл хариталари»ни тасдиқласин;

2021 йил 1 февралга қадар 2021 йил учун корхоналарнинг бюджет лойиҳасини ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 июлга қадар 3 йиллик бизнес режаларини (жорий фаолияти, инвестиция лойиҳалари ва уларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари, шу жумладан, халқаро молия бозорлари маблағлари ҳисобидан, молиявий модели) ишлаб чиқишни таъминласин;

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2021 йил 1 июлга қадар корхоналарнинг барча инвестиция лойиҳаларини хатловдан ўтказиб, бошланмаган ҳамда молиявий манбалари аниқ бўлмаган лойиҳаларни тўхтатиш чораларини кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) 2021 йил 1 январга қадар мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ушбу Фармоннинг 1 ва 2-иловаларидаги ҳар бир корхона кесимида «йўл хариталари»ни тасдиқласин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Агентлик:

2020 йил 1 декабрга қадар рақобат муҳитига таъсир қиладиган имтиёз ва преференцияларни хатловдан ўтказиб, уларни бекор қилиш бўйича қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган корхоналарни трансформация қилиш жараёнлари билан биргаликда улар фаолият юринадиган соҳада бозор муносабатлари тамойилларига тўлиқ ўтиш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда хусусий секторни жалб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 январга қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда «Ўзагросервис» ва «Ўзагрокимёхимоя» акциядорлик жамиятлари фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари асосида йўлга қўйиш ва соҳада хусусий секторни ривожлантириш бўйича таклифлар киритсин.

5. Молия вазирлигига Департамент фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича ва Агентликка қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

танлов асосида халқаро миқёсда етакчи бўлган консалтинг, аудит, «хедхантер» ва бошқа зарур компаниялар ва экспертларни жалб қилиш ҳамда улар билан шартномалар тузиш;

лойиҳа офисларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва молиявий таъминлаш (бюджет, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маблағлари, халқаро молиявий ташкилотларнинг грант ва қарз маблағлари).

6. Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А. Арипов) 3-иловада келтирилган хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари орқали оммавий савдоларга чиқариладиган давлат активларининг ҳар бири бўйича:

2020 йил 15 ноябрга қадар ишчи гуруҳлари шакллантирилишини;

2021 йил 1 февралга қадар хусусийлаштириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш учун консалтинг ташкилотлари жалб қилинишини ва амалга ошириладиган ишлар бўйича «йўл хариталари» ишлаб чиқилишини;

2021 йил 1 июлга қадар корхоналарни хусусийлаштиришдан олдин тайёрлаш ва инвестициявий жозибадорлигини оширишнинг манзилли дастурлари ишлаб чиқилишини таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров, Ш. Хидоятлов), Агентлик (С. Бекенов) икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 3-илоvasида келтирилган давлат иштирокидаги лойиҳа-тадқиқот ташкилотларини қайта хатловдан ўтказиб, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, лойиҳа-тадқиқот ва қурилиш соҳасидаги нуфузли ташкилотларга сотиш ҳамда хусусийлаштириш бўйича «йўл хариталари»ни тасдиқласин.

8. Мазкур Фармоннинг 4-илоvasидаги давлат акция пакетлари (улушлари) тўлиғича оммавий савдоларга чиқарилишини самарали ташкил этиш бўйича масъул шахслар рўйхати 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (А. Арипов)га:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда:

маҳаллий ва хорижий инвесторларни ҳудудларда сотувга чиқариладиган давлат активлари билан таништириш юзасидан зарур чораларни кўриш; хусусийлаштирилиши белгиланган давлат активларини ташқи инфратузилма тармоқлари билан узлуксиз таъминлаш;

хусусийлаштиришдан кейин корхоналарнинг тўлиқ қувватда ишлаши ва самарали фаолият кўрсатиши бўйича шарт-шароитларни яратиш;

инвесторларни жалб қилиш бўйича бошқа зарурий чораларни кўриш топширилсин;

б) мазкур Фармоннинг 4-илоvasидаги корхоналар соф активларининг давлат акция пакетлари (улушлари)га нисбатан пропорционал қиймати 100 млн сўмдан ошмаса, уларни истисно тариқасида, соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга қўйиб бориш топширилсин;

в) Агентлик томонидан 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб мазкур Фармоннинг 4 ва 5-иловаларига мувофиқ корхоналар акция пакетлари (улушлари) ва кўчмас мулк объектларининг оммавий савдоларга чиқарилишини таъминлаш топширилсин;

г) қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

мазкур Фармоннинг 4 ва 5-иловаларидаги давлат акция пакетлари (улушлари), кўчмас мулк объектлари баҳоланган нархда оммавий савдоларда уч ой муддат давомида сотилмаган тақдирда, уларнинг бошланғич нархини Агентликнинг таклифига асосан қайта белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан сотилиши белгиланган давлат активларини сотиш шартлари ва шакллари белгилаш;

кўчмас мулк объектлари ва келгусида шаклланадиган давлат акция пакетлари (улушлари) ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни сотиш шартлари, савдо тури ва оммавий савдолардаги бошланғич нархини белгилаш.

* 6-7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Белгилансинки, мазкур Фармоннинг 4-иловасига киритилган корхоналар:

давлат акция пакетлари (улушлари) битта лот асосида савдога чиқарилади;

соф активларининг пропорционал улушига тенг (соф активлари устав капиталидан кам бўлганда номинал) қийматда оммавий савдоларга чиқарилган қиймати 100 млн сўмдан ошмаган давлат акция пакетлари (улушлари) уч ой давомида сотилмаган тақдирда, улушлар «1 сўм» бошланғич нархда, акция пакетлари «1 та акция — 1 сўмдан битта лот» тамойили асосида қайта савдога чиқарилади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

давлат объектларини «ноль» харид қийматида сотиш амалиёти бекор қилинади ва улар ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясининг қарорларига асосан инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида «1 сўм» бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқарилади;

давлат унитар корхоналари хўжалик жамиятларига ўзгартирилган ҳолда уларнинг давлат акция пакети (улуши) сотилади;

мазкур Фармоннинг 4-иловасидаги давлат унитар корхоналарини хўжалик жамиятларига ўзгартиришда уларнинг устав капитали хатлов ва баҳолаш ўтказмаган ҳолда солиқ органларига топширилган охириги бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлари қийматида, соф активлари манфий бўлган тақдирда, корхона устав капитали миқдорида белгиланади;

давлат активларини сотиб олувчилар тўловларни қонунчиликда белгиланган тартибда бўлиб-бўлиб тўлаш шarti асосида амалга ошириши мумкин;

давлат улушларини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олиш шартномалари доирасида белгиланган графикка асосан қисман тўловни амалга оширган харидорларга тўлиқ тўловлар амалга оширилгунга қадар улуш қийматининг тўланган қисмига мутаносиб равишда жамият бошқарувида иштирок этиш ва дивидендлар олиш ҳуқуқи асосида «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» эгалик сертификати берилади;

давлат кўчмас мулки объектларини сотиб олиш шартномалари доирасида қисман тўловни амалга оширган харидорларга сотиб олиш тўловини тўлиқ амалга оширгунга қадар «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» давлат ордери берилади.

13. Агентлик Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда бозор ва савдо комплекслари бошқарув тизимини такомиллаштириш ва уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда:

бозорлар ва савдо комплекслари аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари қошида бозор ва савдо комплексларини сотишдан олдин тайёрлаш ишларини амалга ошириш бўйича бошқарув компанияларини ташкил этиш;

илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган бозор ва савдо комплексларини замонавий кўринишга келтириш, санитария-гигиена талаблари даражасида сақлаш, бозор фаолияти учун зарур инфратузилмани шакллантириш;

бозор ва савдо комплексларидаги хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш назарда тутилсин.

14. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С. Умурзоқов, Л. Қудратов, Ш. Вафаев) Агентлик билан биргаликда:

а) мазкур Фармонга мувофиқ сотиладиган корхоналар акция пакетлари (улушлари) ва кўчмас мулк объектлари бўйича:

оммавий савдоларга чиқаришдан олдин маҳаллий ва халқаро инвесторларни жалб қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш учун мунтазам равишда учрашув, мулоқот ва такдимотлар («Road Show») ўтказсин;

мазкур Фармоннинг 3-иловасидаги давлат иштирокидаги корхоналарга илғор тажрибага эга салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича манзилли ишларни ташкил қилсин;

б) 2021 йил 1 февралга қадар хорижий тажрибани ўрганган ҳолда махсус иқтисодий зоналар фаолиятига ташқи бошқарувни жорий этиш ҳамда уларни босқичма-босқич хусусийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Агентлик:

Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикасининг чет элда жойлашган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш, шу жумладан, уларни сотиш, ижарага ёки ишончли бошқарувга бериш;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги, тегишли вазирлик, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда уч ой муддатда давлат улуши устун мавқега эга бўлган корхоналар ва тижорат банкларининг асосий фаолиятига мос бўлмаган активларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни оммавий савдолар орқали сотиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

муассаса сифатида қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини;

филиал кўринишида қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини;

давлат улуши сақлаб қолинadиган корхоналар рўйхатини;

тугатиш ёки банкротлик таомилларини қўллаш ташаббуси билан чиқиладиган истикболсиз, фаолият кўрсатмаётган, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли давлат иштирокидаги корхоналар рўйхатини тасдиқласин.

17. Агентлик Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда «E-ijgo aukcion» ягона электрон савдо майдончасида ўтадиган оммавий савдолар жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, субъектив ёндашувларни тўлиқ истисно қилиш ва харидорларга қулайлик яратиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқирилиши ва тасдиқлаишини таъминласин:

2021 йил 1 январга қадар ягона электрон савдо майдончасида амалга ошириладиган савдолар тартиб-таомилларини бирхиллаштириш бўйича ягона тартибни тасдиқлаш ва унинг асосида давлат органлари билан ўзаро интеграция қилинган савдо майдончасининг такомиллаштирилган дастурий таъминотини ишга тушириш;

2021 йил 1 январдан бошлаб барча аукцион савдолари натижаларини QR-кодни қўллаш орқали расмийлаштириш;

давлат кўчмас мулки объектлари ва улушларини сотиш бўйича такрорий аукцион савдоларини ҳар 10 календарь кунда бир маротаба даврийликда амалга ошириш;

харидорларнинг таклифларини аукционда лотлар эълон қилинган пайдан бошлаб қабул қилиш;

давлат активларини сотиш шартларига мувофиқ бўлган буюртманома фақат бир нафар талабгор томонидан берилган бўлса, ушбу ягона иштирокчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, бундан «1 сўм» бошланғич нархда савдога чиқарилган давлат улуши ва кўчмас мулк объектлари мустасно.

18. Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва ёритишга қаратилган медиа-режани тасдиқласин ва унинг ижросини таъминласин.

19. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес-омбудсман) Бош прокуратура билан биргаликда давлат акция пакетлари (улушлари)ни сотиб олган инвесторларнинг, шу жумладан, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, уларни жамият бошқарув органида иштирок этишида тўсқинлик қилувчи ҳолатлар аниқланганда қонунчиликда белгиланган қатъий чоралар кўрилишини таъминласин.

20. Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда 2020 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш учун киритсин;

2020 йил 1 декабрга қадар «Давлат мулкани бошқариш тўғрисида»ги ва «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин;

уч ой муддатда хусусийлаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиб, унификация қилган ҳолда хусусийлаштириш тўғрисидаги янгиланган низомларни тасдиқласин.

21. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 октябрь,
ПФ-6096-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

474 Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида*

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 октябрда эълон қилинган.

1. Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) ҳамда Концепциянинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари 1 ва 1а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Концепция ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутати:

а) илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида:

илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш;

илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;

б) илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш борасида:

2025 йилга қадар илм-фанга йўналтириладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса, 10 бараварга ошириш;

2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратиладиган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса, 30 фоизга етказиш;

инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш;

в) юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш борасида:

илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса, 39 га етказиш;

2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонида юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса, 3 бараварга ошириш;

г) илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш борасида:

2025 йилга қадар илмий-тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги технологик инновацияларга харажатларнинг умумий ҳажмида ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилган технологик инновацияларга харажатларнинг улушини 3,5 бараварга, 2030 йилгача эса, 9 бараварга ошириш;

2021 йилда «Яшнобод» инновацион технопаркининг резидентлари сонини 60 тага етказиш ва шу асосда инновацион маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш, шунингдек, 720 дан ортиқ янги иш ўринларини яратиш;

7 та замонавий лаборатория мажмуаларини ташкил этиш, уларни GLP ва GMP жаҳон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозлаш;

д) илм-фан тараққиётига қўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида:

миллий илмий портални яратиш;

* 1-1а-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

олимлар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

илмий ташкилотлар раҳбарлари лавозимига устувор равишда илм-фан тизимини бошқариш кўникмасига ва иқтисодий билимга эга бўлган ёш мутахассислар тайинланади;

2021 йил 1 январдан бошлаб илмий ташкилотлар раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўқитиш ва мунтазам малакасини ошириб бориш тизими жорий қилинади;

2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир илмий ташкилотда унинг бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчи лавозими киритилади, бу лавозимга таниқли илм-фан намояндалари ва нуфузли олимлардан бири тайинланади ҳамда маслаҳатчи ташкилотнинг Илмий кенгашини бошқаради;

илмий йўналишларни шакллантириш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда илмий мактаблар, фан намояндалари ва етакчи олимларнинг соҳадаги масъулиятини ошириш мақсадида ҳар бир фан йўналишлари бўйича фан жамиятлари ташкил қилинади;

2021 йилда халқаро мустақил эксперт компанияларини жалб этган ҳолда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча давлат илмий ташкилотларининг илмий-инновацион фаолияти аудитдан ўтказилади;

барча давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг республика даражасидаги раҳбарлари (биринчи ўринбосарлари) бир вақтнинг ўзида илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга масъул ҳисобланади ҳамда бу борада тизимдаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

4. Ҳудудларда илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб қилиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб «Академик ҳаракатчанлик» дастури жорий қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Академик ҳаракатчанлик» дастури доирасида:

илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларнинг илмий ғояларини рағбатлантириш, уларнинг хорижий университетлар ва илмий марказларга қисқа муддатли стажировкаларини ташкил этиш учун Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилади;

мазкур ёшларга илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳузуридаги илмий тузилмалардаги замонавий илмий асбоб-ускуналардан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар «Академик ҳаракатчанлик»

дастурини амалга ошириш бўйича Хукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Қуйидагилар:

Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ;

Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021 — 2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрлари (кейинги ўринларда — Мақсадли параметрлар) 3-иловага* мувофиқ;

Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021 — 2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрларига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар режаси) 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил 1 январдан бошлаб Илмий даражали кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими жорий қилинсин.

Белгилансинки, Илмий даражали кадрларни тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими орқали қуйидаги ишлар тўлиқ амалга оширилади:

стажёр-тадқиқотчи, изланувчи, илмий раҳбар ва консультантларга доир маълумотлар банкини шакллантириш, стажёр-тадқиқотчи ва изланувчиларнинг яқка тартибдаги режасидаги ишлар бажарилишини қайд этиш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларининг самарадорлиги мониторингини олиб бориш, тегишли ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш;

стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантурада ўқиш учун қабул квоталари бўйича буюртманом шакллантириш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларида ўқиш учун талабгорларни рўйхатга олиш.

Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур электрон тизимнинг узлуксиз ишлаши, унга техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириб борсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

олий таълимдан кейинги таълимнинг бир поғонали тизими жорий қилинган хорижий давлатларнинг рўйхати ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган халқаро рейтингларда биринчи 300 та ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида фан доктори (DSc) сифатида тўғридан-тўғри тан олинади ва нострификация қилинади (эквивалентлиги қайд этилади);

* 2 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

халқаро рейтингларда биринчи 300 та ўридан бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган профессор, доцент, катта илмий ходим ва уларга тенглаштирилган бошқа илмий унвонлар тўғрисидаги ҳужжатлар олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар кенгашларининг тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикасида қўшимча экспертиза ўтказмасдан ва бошқа синовларсиз тўғридан-тўғри тан олинади.

8. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожланишдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантиришнинг янги тартибини жорий қилиш;

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси ва Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг амалдаги вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиб, унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш.

9. Жаҳон банки томонидан илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида республикамизда инновацион тизимни ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасидаги индикаторларни яхшилашга қўмаклашиш мақсадида 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит маблағларини ажратиш тўғрисидаги «Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш» лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2021 йил 1 январга қадар:

Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш учун Халқаро эксперт кенгашини (International Expert Board) ташкил этиш;

Жаҳон банки талабларига асосан Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) амалга оширишга қўмаклашиш, молиявий назорат ва ҳисобот тизимини юритиш мақсадида лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш чораларини кўрсин;

2021 йилда «Ўзбекистон илмий салоҳиятини ошириш» лойиҳасини амалга ошириш учун Жаҳон банкининг қўшимча 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш бўйича таклиф киритсин.

10. Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар Мақсадли параметрларни амалга ошириш доирасидаги тегишли сарф-харажатлар учун Давлат бюджети, тегишли маҳал-

лий бюджетлар параметрлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар доирасида маблағлар ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ–4702-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларига 2021 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳудудда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар сони, бир миллион аҳоли сонига тўғри келадиган илмий тадқиқотчилар ва олимлар сони, тижоратлаштирилган илмий ишланмалар сони ва ҳажми индикаторлари кiritилсин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2020 йил 1 декабрга қадар 2019 йилда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида яқунланган илмий лойиҳалар натижадорлигини пухта ва ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида яратилган муҳим илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни бир неча бор кўпайтириш бўйича ишларни ташкил этиш дастурини қабул қилсин.

13. Масъул ижрочилар — тизимида илмий ташкилотлар мавжуд бўлган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари:

бир ой муддатда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда «Йўл харитаси»да белгиланган вазифалар ва тадбирларни амалга оширишнинг 2020-2021 йиллар учун ҳамда ҳар йил якунида — келгуси йил учун чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини;

ҳар чоракда ҳисобот оидан кейинги ойнинг 5-санасига қадар чора-тадбирлар режалари ва «Йўл харитаси»нинг ижроси бўйича маълумотларнинг тегишли равишда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар чоракда ҳисобот оидан кейинги ойнинг 10-санасига қадар мазкур Фармоннинг ижроси бўйича умумлаштирилган маълумотлар ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрланиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

14. Қўйидагилар:

Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши (А.Н. Арипов) зиммасига — ушбу Фармоннинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, Концепция ҳамда «Йўл харитаси»ни амалга ошириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, масъул раҳбарларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини кенгаш мажлисларида бир йилда камида икки маротаба эшитиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

инновацион ривожланиш вазири (И.Ю. Абдурахмонов) зиммасига — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида

илмий маҳсулотлар ҳажми ва инновацион маҳсулотлар турларини кенгайтириш фаолиятини мунтазам равишда мувофиқлаштириб бориш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига — Концепция ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни шакллантириш асосида тегишли ҳудуддаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

Фанлар академияси президенти (Б.С. Юлдашев) зиммасига — Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолиятини иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларига тўлиқ мослаштириш, юқори самарадор илмий ишланмалар ва технологияларнинг сони ва жорий этиш қўламини кенгайтириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини илмий жамоатчилик ва аҳоли орасида кенг ёритиш бўйича 2020 йил якунига қадар чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этиш мақсадида тегишли давлат органлари ва муассасаларининг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига бириктирилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 октябрь,
ПФ–6097-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги
ПФ-6097-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг (кейинги ўринларда — Концепция) стратегик мақсади этиб миллий иқтисодий ривожлантиришнинг инновацион ва юқори технологик форматига ўтиш, мамлакатимизнинг рақобатдош устунликларини ишга солиш ва тўғри сафарбар этиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, жадал иқтисодий ўсишни таъминлайдиган йўналишларга инвестицияларни йўналтириш, аҳоли турмуш даражасини бир неча бор яхшилаш, ижтимоий соҳадаги долзарб масалаларнинг инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий ечимини топиш, халқаро миқёсда илмий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги ва «Инновацион фаолият тўғрисида»ги қонунлар ижросини таъминлаш ҳисобланади.

Концепция илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги ривожланиш босқичларини белгилаб беради ҳамда соҳага оид мақсадли дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

2-боб. Илм-фанни ривожлантириш зарурати, унинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

Жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви ва унинг янги технологик ривожланишга ўтиш жараёни дунё товар ва молия бозорларида, рақамли технологияларни жорий этиш соҳасида ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, ўсиб бораётган муаммоларини ҳал қилиш усулларида тобора рақобатнинг тобора кучайишига олиб келмоқда. Ушбу масалаларнинг асосий ечими илм-фан ва инновациялар соҳасида етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, тўртинчи саноат инқилоби даврида халқаро рақобатбардошликка эришиш, тўпланган институционал муаммоларнинг янги ечимларини излаб топиш, шунингдек, глобаллашув туфайли юзага келаётган баҳсли масалаларни ҳал қилишдан иборат бўлиши лозим.

Ушбу рақобат шароитида иқтисодийда устувор йўналишлар ривожини таъминловчи илмий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмаларни амалга оширувчи экотизимни шакллантириш энг асосий вазифа ҳисобланади.

Шу сабабдан, ривожланаётган мамлакатлар рақобатбардошликни ошириш ва мустаҳкамлаш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришни ва

глобал маркетингни фаол ўзлаштириш, устувор йўналишларда ўз илмий мактабларини ташкил этиш, тажрибали ва малакали мутахассисларни жалб этиш, инновацион салоҳиятга эга истиқболли стартапларни қўллаб-қувватлаш, узоқ муддатли барқарор ривожланишнинг молиявий ва институционал асосларини яратиш учун давлат имтиёзларидан мақсадли фойдаланиш каби чораларни кўрмоқда.

Мамлакатимизнинг илм-фан сектори 100 дан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасаларидан иборат бўлиб, ҳозирги кунда 65 та илмий-тадқиқот институти, 31 та илмий марказ (шундан 14 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ) ва 8 та бошқа турдаги илмий ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонни 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингда дунёнинг 50 та етакчи давлатлари қаторига киритиш бўйича улкан мақсадга эришишда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган стратегик режа эълон қилинди. Мазкур мақсад илм-фан соҳасини замонавий иқтисодиёт талабларига мослаштиришдан иборат бўлиб, ўз навбатида, илм-фандаги тегишли ҳуқуқий база билан тартибга солинадиган туб таркибий, ташкилий, молиявий ҳамда кадрлар ва инфратузилмага оид ислоҳот-ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

Сўнгги йилларда илм-фан соҳасини устувор ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган 20 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, улар узлуксизлик, очиклик, шаффофлик ва рақобат тамойилларига асосланган.

2017 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, янги идора илмий ва инновацион фаолиятга оид жамият ва давлат ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширмоқда.

Фанлар академиясининг барча илмий ташкилотларини Давлат бюджети ҳисобига сақлаш ва уларга илмий лойиҳаларни грант асосида молиялаштириш тизими йўлга қўйилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 10 та илмий ташкилоти Фанлар академияси тизимига қайтарилиб, унинг мақоми ва нуфузини юксалтириш баробарида илм-фан соҳасининг жамиятдаги мавқеи оширилди, ёшларнинг соҳага бўлган фикри-муносабати ижобий томонга ўзгарди.

2017 — 2021 йилларда илмий ташкилотлар лабораторияларини мустаҳкамлаш ва янгилашга 32 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилиши режалаштирилди ҳамда тегишли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, яқин келажакда илм-фан соҳасида ҳал этилиши зарур бўлган кўйидаги асосий муаммолар сақланиб қолмоқда:

биринчидан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг илм-фанга эътибори юқори эмаслиги. Юртимиз олимларининг технологик ишланмалари ва илмий-тадқиқотлари натижаларини амалиётга татбиқ этишга тармоқлар

томонидан қизиқишнинг пастлиги мамлакат иқтисодиётининг технологик ривожланишига тўсиқ бўлмоқда ва Давлат бюджети зиммасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Бундан ташқари, аксарият илмий лойиҳалар илмий ташкилотларнинг ташаббуслари асосида шакллантирилади, яъни давлат учун устувор бўлган тадқиқотлар эмас, балки мазкур илмий ташкилотлар истанган ва амалга ошира оладиган аниқ якуний натижа (маҳсулот) олиш имконини бермайдиган функционал вазифалар доирасидаги тадқиқотлар молиялаштирилади;

иккинчидан, инновацион инфратузилманинг алоҳида элементлари (инновацион жамғармалар, технологияларни жорий этиш маркаслари, муҳандислик лабораториялари, технопарклар ва бошқалар) ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланмаганлиги. Ички ҳамда жаҳон бозорларига билимлар ва янги технологияларни татбиқ этиш ишларини яхшилаш лозим;

учинчидан, кичик инновацион тадбиркорлик ва илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ривожланмаганлиги. Илмий ташкилотлар томонидан инновацион корхоналарни ташкил этиш бўйича тажриба ва кўникмалар тўлиқ шаклланмаган;

тўртинчидан, илмий ташкилотларда илм-фанни ташкил қилиш, илмий ишлар харажатларини прогнозлаштириш ва натижаларнинг иқтисодий таҳлилини олиб бориш тизими тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги. Илмий ташкилотларнинг раҳбарияти асосан илм-фан намояндalarидан иборат бўлиб, улар илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, ташкилот ресурс базаси ва инфратузилмасини янгилаб бориш, ишланмаларни рағбатлантириш каби соҳаларда етарли кўникмаларга эга эмас;

бешинчидан, илмий салоҳиятни ривожлантиришга хусусий секторни жалб этиш ишлари фаол эмаслиги. Илм-фанга хусусий сектор маблағларини жалб қилиш янги технологиялар ва илмий ҳажмдор маҳсулотларни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш, бозорларда рақобатбардошликка эришиш ва уни сақлаб қолишнинг асосий омили;

олтинчидан, илмий-тадқиқот ўтказадиган жамоалар, академиклар ва тадқиқотчилар ўртача ёшининг катталиги. Илмий ташкилотларда фаолият кўрсатаётган илмий даражали тадқиқотчиларнинг ўртача ёши 51 ёшни ташкил этаётганлиги ёшларни илм-фанга жалб этиш ишларини жадаллаштириш ҳамда илмий-тадқиқотлар суръатларини оширишни талаб этади;

еттинчидан, аҳоли сонига нисбатан олимлар сонининг камлиги. Ҳозирда бир миллион аҳоли сонига ўртача 950 нафар илмий ходим тўғри келмоқда. Ёшларни илм-фанга жалб этиш ишларининг суёт ташкил этилганлиги, фан ва таълим тизими ўртасида интеграция даражаси паст бўлганлиги, олимлар меҳнатининг моддий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан етарли даражада қўллаб-қувватланмаганлиги бунинг асосий сабабларидандир;

саққизинчидан, илмий-тадқиқот натижаларига маҳаллий ва хорижий патентлар олиш даражаси пастлиги. 2014 — 2018 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган амалий ва инновацион лойиҳалар натижаларига кўра илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари томонидан жами 700 та ихтиро патентлаштирилган бўлиб, бунда хори-

жий патентларнинг улуши 1 фоизга тенг. Олинган патентларни хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш ишларини тўғри ва самарали ташкиллаштириш зарур;

тўққизинчидан, интеллектуал фаолият натижаларини хўжалик айланмасига киритишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари ривожланмаганлиги. Олимлар томонидан интеллектуал мулк учун олинган патентлар бозори мавжуд эмас. Хўжалик юритувчи субъектларнинг интеллектуал фаолият натижаларини жорий этишга бўлган манфаатдорлиги юқори даражада эмас;

ўнинчидан, илм-фан ва илмий фаолиятга молиявий ресурсларнинг етарли даражада йўналтирилмаётганлиги. Ҳозирги кунда илм-фан ва илмий фаолиятга йўналтирилаётган маблағ мамлакат ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,2 фоизини ташкил қилади ва ушбу кўрсаткич қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан илм-фанга йўналтирилаётган маблағларга нисбатан камдир;

ўн биринчидан, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларнинг сустлиги, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси таъминланмаганлиги. Илмий ташкилотларнинг илмий фаолиятини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш пайти келди;

ўн иккинчидан, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш даражасининг юқори эмаслиги. Бу эса, илмий ташкилотлар ва улар томонидан ташкил этилган инновацион корхоналарга инвестиция ва банк кредити маблағларининг жалб қилиш имкониятини бермайди;

ўн учинчидан, олий таълимдан кейинги таълим, квота тизими ва илмий даража беришда аттестация жараёнлари жаҳон тажрибаси билан уйғунлаштирилмаганлиги. Ушбу йўналишлардаги бюрократик тўсиқлар оқибатида юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш талаб даражада эмас;

ўн тўртинчидан, илмий ташкилотларнинг асосан пойтахт атрофида марказлашганлиги ва ҳудудларда замонавий илмий лабораторияларнинг мавжуд эмаслиги. Деярли 90 фоиз илмий-тадқиқот лабораториялари Тошкент шаҳрида шаклланганлиги ҳудудларда илмий-тадқиқот фаолиятини замон талаблари даражасида амалга оширишни чегаралаб қўймоқда;

ўн бешинчидан, илмий базани технологик жиҳатдан жиҳозлаш даражасининг юқори эмаслиги. Илм-фанни технологик жиҳатдан модернизация қилиш, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси паст, илм-фаннинг технологик базаси ҳолатини таҳлил қилиш ва уни мунтазам янгилаб бориш тизими тўлиқ шаклланмаган;

ўн олтинчидан, илмий ташкилотлар ўртасида рақобатнинг ривожланмаганлиги, уларнинг миллий рейтинги ва йиллик баҳолаб бориш тизими тўлиқ жорий этилмаганлиги. Аксарият илмий ташкилотлар фан йўналишларида монополист сифатида фаолият юритади, илм-фан йўналишларида рақобатчи сифатида намоён бўла олмаяпти;

ўн еттинчидан, мустақил илмий экспертлар жамоасининг шаклланма-

ганлиги. Илмий лойиҳалар муҳокамаси жараёнида маҳаллий олимлар жамоасидан иборат илмий-техник кенгашлардаги «манфаатлар тўқнашуви» лойиҳаларга берилаётган хулосаларнинг ҳолислиги ва сифатига салбий таъсир қилмоқда;

ўн саккизинчидан, илм-фандаги ютуқларнинг етарли даражада тарғиб қилинмаслиги. Янги технологиялар ва маҳсулотларни сотиш мумкин бўлган бозорлар ҳақида, шунингдек, хусусий инвесторлар ва кредит ташкилотлари учун юқори даромадга эга капитал киритиладиган объектлар тўғрисидаги маълумотлар кам тарғиб қилинади;

ўн тўққизинчидан, олимларнинг жаҳоннинг нуфузли маълумотлар базаларида индексациядан ўтган юқори импакт факторли жаҳон журналларида мақолалар чоп этиш даражасининг пастлиги. Ҳозирда WEB of Science, SCOPUS каби маълумотлар базасида индексация қилинадиган халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолалар орасида Ўзбекистоннинг ялпи улуши 0,1 фоизга яқин. Ўз ичига 5 мингдан ортиқ нашриётларнинг 22 минг номдаги илмий журналларини олган Scopus маълумотлар базаси асосида SJR (ScimagoJournal&CountryRank) ресурсининг таҳлилларига кўра, Ўзбекистон битта мақолага ҳаволалар кўрсаткичи бўйича жаҳоннинг 239 давлати ўртасида 220-ўринни эгаллаб (6,52), мамлакатимизнинг H-index кўрсаткичи 86 ни ташкил этмоқда.

3-боб. Илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

Илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

биринчиси, илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш; иккинчиси, илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш; учинчиси, юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш;

тўртинчиси, илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш;

бешинчиси, илм-фан тараққиётига кўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантириш.

4-боб. Илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш механизмлари

1-§. Илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш

Илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ваколатли давлат органи томонидан илмий-тадқиқот дастурларининг мувофиқлаштирилишини ва бошқарилишини назарда тутади.

Илмий фаолиятни ташкил этиш қўйидаги асосий бошқарув жараёнларининг ҳамжихатлигини ва изчиллигини таъминлаши зарур:

илм-фан соҳасида сиёсатни белгилаш — соҳадаги ваколатли давлат органи томонидан миллий устувор йўналишларни белгилаш ва илмий дастурларни бошқаришни назарда тутати;

эҳтиёжларни аниқлаш — устувор илмий йўналишлар доирасида илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларини саралашни назарда тутати. Ваколатли давлат органи тармоқ вазирликлари билан биргаликда илмий фаолиятга оид дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

режалаштириш — қўйилган вазифаларни амалга ошириш механизмларини ва кутилаётган натижаларни муайян кўрсаткичлар билан белгилашни назарда тутати;

молиявий таҳлил — зарур молиялаштириш ҳажмини қўйилган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич баҳолашни белгилайди;

буюртмаларни таҳлил қилиш — давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан келиб тушган талабномаларни техник ва илмий экспертизадан ўтказишни назарда тутати;

амалга ошириш (ёки молиялаштириш) — илмий фаолиятга оид давлат дастурлари лойиҳаларининг Давлат бюджетидан молиялаштирилишини назарда тутати;

натижаларни мониторинг ва таҳлил қилиш — илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга оширишнинг ҳолати ва кутилган натижаларга эришилганлиги баҳоланади;

натижаларга мутахассис баҳосини олиш — техник ва илмий экспертиза ўтказиш орқали амалга оширилади. Бунда лойиҳалар бўйича оралик натижалар экспертизаси ҳам ўтказилиши мумкин;

тижоратлаштириш ва натижаларни ишлаб чиқаришга йўналтириш — натижаларни иқтисодиёт тармоқларига ва ижтимоий соҳага жорий қилишни назарда тутати;

илмий фаолиятни бошқариш — илм-фан ва илмий фаолиятнинг ваколатли давлат органи томонидан бошқарилишини назарда тутати.

Бунда, илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида қўйидаги ишлар амалга оширилади:

1) жаҳон тажрибасида лойиҳавий бошқарув ўзининг самарадорлигини кўрсатаётганини инобатга олиб, илм-фанни бошқаришда дастурий мақсадли ёндашувни қўллаш, янги бошқарув воситаларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш йўлга қўйилади. Бу ташкилот ичида маблағларни самарали тақсимлаш, лойиҳани амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ҳамда ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда унинг бажарилишига тузатиш киритиш имконини беради. Бюджетдан молиялаштириладиган грант лойиҳаларига давлат буюртмаси жорий қилинади ва лойиҳаларга танловлар ваколатли давлат органи томонидан тематик тарзда мунтазам ўтказиб борилади;

2) республикада илмий соҳанинг ҳолати ва келгусида ривожланишини аниқлаш учун мақсадли кўрсаткичларнинг стратегик жиҳатдан мақбул ба-

засини, илмий фаолият соҳасидаги чуқур, батафсил эксперт-таҳлил ва прогноз ишларини тайёрлаш ҳамда амалга ошириш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилади;

3) илмий ташкилотларнинг ҳолати ва иш фаолиятини баҳолаш, илм-фанни тараққий эттириш бўйича давлат сиёсатини мувофиқлаштириш ва стратегик ривожланишнинг вазифа ҳамда йўналишларини белгилаш, илмий-тадқиқот соҳаси ривожланишининг салбий ва ижобий томонларини аниқлаш учун тизимли равишда (ҳар уч йилда бир маротаба) маҳаллий илмий салоҳият, давлат илмий-техник экспертизаси ва илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари халқаро аудит ташкилотлари томонидан мустақил фан аудитидан ўтказилади.

Мустақил фан аудити ўтказишга бевосита ваколатли давлат органи масъул бўлиб, аудит натижаларига кўра янги инфратузилмалар ва фан йўналишлари ташкил қилинади, мавжудлари самарадорлигига кўра кенгайтирилади (ёки қисқартирилади) ва янги йўналишлар устида фаолият юртиш учун қайта шакллантирилади;

4) ваколатли давлат органи томонидан йиллик мониторинг тизими йўлга қўйилиб, йўналишларидан келиб чиққан ҳолда мустақил фан аудити натижалари билан уйғунлаштирилган илмий ташкилотларнинг миллий рейтинг тизими шакллантирилади;

5) илмий ва техникавий ривожланишнинг афзалликлари ва нуқсонлари тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берадиган, ҳар бир соҳанинг инновацион ривожланишидаги истиқболли илмий ва технологик йўналишларини аниқлаш, илмий, техникавий ва саноат-технологик фаолият натижаларини иқтисодий баҳолаш мақсадида форсайт гуруҳлари ташкил этилади ва форсайт тадқиқотлари ўтказиб борилади;

6) устувор қадам сифатида илмий ташкилот раҳбари лавозимига илм-фан тизимини бошқариш кўникмасига ва иқтисодий билимга эга бўлган ёш мутахассисни тайинлаш амалиёти киритилади. Илмий ташкилотлар раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўқитиш ва мунтазам малакасини ошириб бориш тизими жорий қилинади. Ҳар бир илмий ташкилотда илм-фан ва илмий фаолият бўйича ташкилотнинг маслаҳатчиси лавозими киритилиб, бу лавозимга таниқли фан намояндалари ва етакчиларидан бири тайинланади. Бош маслаҳатчи ташкилотнинг Илмий кенгашини бошқариш ваколатига эга бўлади;

7) илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш, илмий йўналишларни шакллантириш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда илмий мактаблар, фан намояндалари ва етакчи олимларнинг соҳадаги масъулиятини ошириш мақсадида ҳар бир фан йўналишлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида фан жамиятлари ташкил қилинади.

2-§. Илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш

Илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1) илм-фан соҳасига йўналтириладиган маблағлар босқичма-босқич 2022 йилгача ялпи ички маҳсулотнинг 0,8 фоизи миқдоригача оширилади. Бунда йўналтирилган маблағлар мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик муҳим йўналишларига мувофиқ илмий-тадқиқотларни ташкил этиш ва чуқур илм талаб қилувчи маҳсулотлар яратиш бўйича илм-фанга оид давлат, ҳудудий ва халқаро дастурларни ҳамда стартап лойиҳаларни давлат буюртмаси танловларига кўра молиялаштиришга, янги ишланмаларни тижоратлаштириш, замонавий фан йўналишлари бўйича инфратузилмаларни ташкил қилиш, илмий ташкилотларнинг моддий-техника базасини янгилаб бориш, олий ўқув юртидан кейинги таълим (докторантура) институтини молиялаштириш каби режалаштирилган чора-тадбирларга йўналтирилади;

2) илмий лойиҳаларни хусусий сектор ва тармоқ ташкилотлари билан тенг шерикликда молиялаштириш амалиёти кенгайтирилади. Бунда давлат буюртмаси доирасида корхона муаммоларининг ечимига қаратилган тематик лойиҳалар танловлари ташкил қилиниб, танлов натижаларига кўра тенг шерикликда молиялаштириш йўлга қўйилади. Натижада хусусий тармоқ корхоналарининг илмий фаолиятни молиялаштиришдаги улуши салмоқли даражада ўсишига эришилади;

3) илмий-инновацион лойиҳаларни қўшимча молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари, хусусан, Жаҳон банкининг илм-фанни тижоратлаштиришга ажратиладиган имтиёзли қарз маблағлари жалб қилинади. Жалб қилинган маблағлар грант лойиҳалари кўринишида тадқиқотларни танлов асосида молиялаштиришга, инновацион корхоналар ташкил қилиш орқали янги ишланмаларни тижоратлаштиришга, илмий ва инновацион фаолият экотизимини ривожлантириш ва мамлакатда технологиялар трансфери марказларини ташкил қилишга йўналтирилади;

4) илм-фан ва илмий фаолиятга хорижий давлатлар донор ташкилотларининг грантлари, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилади. Шу мақсадда қатор халқаро илмий фондлар Ўзбекистонда аккредитациядан ўтказилади;

5) инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришда «амалга ошмаслик хавфини» камаййтириш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағлари иштирокида хорижий етакчи инвестицион компаниялар билан венчур фондлари ташкил қилинади;

6) илм-фаннинг истиқболли ва янги йўналишларида (шу жумладан, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, робототехника, фармацевтика, биотехнология, нанотехнологиялар, энергетика, муҳандислик, электроника,

механика, машинасозлик, геномика, астрономия, дастурлаш, саноат дизайни, криминалистикада) илмий-тадқиқот ишлари жадаллаштирилади.

Шунингдек, илм-фанни ривожлантириш иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари, харажатларнинг мутаносиб таркиби ва хусусий сектор талабига йўналтирилган ҳолда амалга оширилиши керак. Бунда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун қўйидаги харажатлар таркиби таъминланади:

тадқиқот турлари бўйича: фундаментал тадқиқотлар учун илм-фанни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга ажратилган барча маблағларнинг — 15 фоизи, амалий тадқиқотлар учун — 20 фоизи, тажриба-конструкторлик ишланмалари учун 65 фоизи. Бунда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасининг хусусиятидан келиб чиқиб маблағлар тақсимотига тегишли ўзгартириш киритилиши мумкин;

молиялаштириш манбалари бўйича: Давлат бюджети — 45 — 50 фоиз, хусусий ва тадбиркорлик соҳалари — 45 — 50 фоиз, хорижий инвестициялар — 5 фоиз.

Давлат буюртмаси доирасида устувор тадқиқотлар ҳамда давлат аҳамиятига эга дастурлар (минерал хом ашё, тоғ-кон, ёқилғи-энергетика, сув хўжалиги тизимлари, сейсмик ва экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ва техноген табиатли фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш кабилар) молиялаштирилиши зарур.

Мазкур чора-тадбирлар билан бир қаторда иқтисодиётни илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни молиялаштиришда ўзини ўзи таъминлашга эришиш мақсадида хусусий секторнинг илмий махсулотларга буюртмалари мустақил равишда шакллантирилиши ва молиялаштирилишини рағбатлантириш назарда тутилади.

Лойиҳани амалга оширувчилар давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарадорлик, долзарблилик, малака ва асбоб-ускуналар билан таъминланганлик мезонлари бўйича мамлакат ичидаги ва хориждаги илмий жамоалар орасидан танлаб олинади.

Илмий фаолият натижаларига фуқаролик ҳуқуқларининг вужудга келишини ва жалб этилишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асослар такомиллаштирилади, уларнинг саноатга жорий қилинишини таъминлайдиган инфратузилма яратилади.

3-§. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш

Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш борасида қўйидаги ишлар амалга оширилади:

1) етакчи илмий ташкилотлар ва университетларда илмий изланишларнинг илғор даражасини таъминлашга қодир малакали кадрлар билан таъминланган янги илмий-тадқиқот инфратузилмаси шакллантириб борилади;

2) фан докторлари (DSc) ва фалсафа докторлари (PhD)ни тайёрлаш доирасида устувор илмий йўналишлар бўйича илмий кадрларни мақсадли тайёрлашга ўтилади;

3) доцент ва профессор унвонини олиш тартибига докторантурадан кейинги орттирилган тажриба мавжудлигига оид талаблар киритилади;

4) давлат илмий ташкилотларида янги кадрлар сиёсати жорий қилиниб, асосий эътибор кадрлар билан ишлашнинг стратегик бошқарувини жорий этишга қаратилади;

5) мутахассисларни қайта тайёрлаш ва доимий равишда малакасини ошириб бориш мақсадида инглиз тилини ўрганаётган олимлар учун турли ўқув курсларини ташкил қилиш, маҳаллий ва дунёнинг етакчи университетлари ўртасида ўқитувчилар ва талабалар бўйича дастурларни амалга ошириш кўзда тутилади;

6) Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтидорли ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий марказларда қисқа муддатли илмий стажировкаларини ташкиллаштириш, ўқиш ва малака оширишига қўмаклашилади, уларнинг халқаро илмий-техник конференцияларда ва илмий лойиҳаларда иштироки этишлари, илмий ишларининг нашр этилиши таъминланади;

7) тадқиқотчилар ва олимлар учун профессионал тренинглар ташкил этилади;

8) илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жаҳон андозаларига мослаштириш чоралари кўрилади. Бунда етакчи илмий ташкилотлар ва университетларга мустақил илмий даражалар бериш ваколатлари кенгайтириб борилади, диссертация ҳимояси ва аттестация ўтказиш амалиёти тубдан ислоҳ қилинади;

9) олий ўқув юртидан кейинги таълим (докторантура) институтига квоталар ажратиш ва уни мониторинг қилиш тизими тўлалигича ваколатли давлат органига юкланади ва рақамлаштирилади;

10) давлат буюртмаси асосида молиялаштирилаётган грант лойиҳалари доирасида қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш, халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш, янги механизм сифатида грант лойиҳалари доирасида фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари (DSc) тайёрлашга буюртма бериш ҳамда уни молиялаштиришга рухсат берилади;

11) олий таълим муассасаларида бакалаврият ва магистратурада таҳсил олаётган талабаларга илмий фаолият олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар ва рағбатлантириш механизмлари яратилади. Натижада ўқишни битирган ва илмий фаолиятини давом эттиришни билдирган магистрларнинг сони кўпаяди;

12) докторантлар билан ишлаш, улар томонидан олиб борилаётган ишларни назорат (мониторинг) қилиш, ҳимояга ўз вақтида чиқишини таъминлаш механизмлари янада такомиллаштирилади.

4-§. Илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш

Илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1) илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларининг илмий лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади ҳамда бутловчи қисмлар билан таъминланади;

2) илмий фаолият инфратузилмалари (илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари) доирасида миллий илмий лабораториялар тармоғи яратилади;

3) илм-фанни ривожлантириш учун маҳаллий ва хорижий олимларга марказларнинг асбоб-ускуналари, тажриба-ишлаб чиқариш базалари ва бошқа илмий ресурсларидан фойдаланишга кенг имкон яратилгандагина илмий ташкилотлар ҳамда муассасалар салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш таъминланади. Бунинг учун илмий ташкилотлар ҳузурида илмий ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича жамоавий фойдаланиладиган илмий лабораториялар ҳамда GLP ва GMP жаҳон стандартларига мос ускуналар билан жиҳозланган замонавий лаборатория мажмуалари босқичма-босқич ташкил этилади;

4) нодавлат лойиҳа ва конструкторлик ташкилотларини ривожлантиришга эътибор қаратилади ва инвестиция дастурлари доирасида қўллаб-қувватланади;

5) илмий ташкилотлар, университетлар таркибида илмий-инновацион кластерлар, инновация марказлари, конструкторлик устахоналари, бизнес акселераторлар, стартап акселераторлари ташкил қилинади. Худудий марказларда эса, инновация марказлари, ёшлар технопарклар, технологиялар трансфери марказлари, кичик илмий-ишлаб чиқариш кластерлари ҳамда инновацион полигонлар ташкил қилинади;

6) илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, маҳсулотлар маркетинги билан шуғулланадиган алоҳида компаниялар ташкил этилиб, илм-фанга оид дастурлар доирасида яратилган янги ишланмалар маркетингини юритиш ва шерикликда тижоратлаштириш мажбуриятлари юкланади;

7) хусусий сектор ва хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, давлат бошқаруви органлари иштирокидаги жамғармалар ташкил қилинади ҳамда янги ишланмаларни тижоратлаштириш учун шарт-шароитлар яратилади;

8) ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, илмий экспертиза жараёнида «манфаатлар тўқнашуви» омилларини чеклаш мақсадида илмий лойиҳалар экспертизасига масъул тузилма ташкил қилиниб, муҳокамаларга чет эл мутахассисларини жалб қилган ҳолда экспертизанинг тўла интерактив платформа орқали ўтказилиши таъминланади.

5-§. Илм-фан тараққиётига кўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантириш

Илм-фан тараққиётига кўмаклашадиган замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

1) миллий илмий портални яратиш: портал доирасида мамлакатнинг илмий салоҳиятига оид барча маълумотларни ўз ичига олган ягона академик макон, илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш учун аризаларни автоматик тарзда топшириш ва рўйхатдан ўтказиш тизими яратилади;

2) олимлар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш: бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборотнинг муҳим ролини ҳисобга олган ҳолда илмий салоҳиятни баҳолаш кўрсаткичлари жорий этилади. Объектив миқдорий кўрсаткичларнинг жорий этилиши молиялаштириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва натижада илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради;

3) илмий ва илмий-техникавий ривожланишни прогнозлаш: илмий ва технологик ривожланишни прогнозлашнинг тизимли жараёни маҳаллий ва жаҳон миқёсидаги илмий ҳажмдор маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари томонидан талаб қилинадиган илмий тадқиқотлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш учун зарурдир.

4) мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятини баҳолаш: илм-фан соҳаси ҳолати ва уни янада ривожлантириш тенденциялари таҳлили, сўнгги йилларда мамлакатимиз илм-фанининг сифатли ва миқдорий ривожланишини ўрганиш, маҳаллий илмий-техник салоҳиятнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари фаолиятини ҳамда илмий инфратузилмани ривожлантириш самарадорлигини таҳлил қилиш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсир қилувчи механизмларини ўрганиш, илмий-тадқиқот дастурларининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш йўналишларида ишлар амалга оширилади;

5-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Концепциянинг амалга оширилиши қуйидаги натижаларга олиб келади: илмий тадқиқотлар дастурлари мувофиқлаштирилади ва самарали бошқарилади, улар устувор илмий йўналишларга қайта йўналтирилади;

илм-фаннинг асосий, дастурий-мақсадли ва грант тизимида молиялаштирилиши орқали давлат ва хусусий сектор томонидан мувозанатли молиялаштиришга эришилади;

Good Scientific Practice (GSP) ва Good Laboratory Practice (GLP) стандартларини жорий этиш амалга оширилади, GLP ва Good Manufacturing Practice (GMP) стандартлари бўйича халқаро мезонларга мос келадиган миллий илмий лабораторияларнинг фаолияти ташкил қилинади;

олимларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида плагиат ва илмий ғояларни ўзлаштириш ҳолатлари бартараф этилади; илм-фан соҳаси ходимларини моддий рағбатлантиришнинг янги тизими жорий қилинади;

республикамизда ва хорижда тадқиқот натижалари ҳамда ишланмаларни патентлаш фаоллиги оширилади;

устувор илмий йўналишлар бўйича илм-фанга оид дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади ва рақобатбардош натижаларга эришилади;

қўшма илмий-техник дастурларни амалга ошириш механизмларини жорий этиш, илмий лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш ва хусусий секторни рағбатлантириш механизмларини яратиш орқали тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан, миллий компанияларнинг илмий-тадқиқот фаолиятидаги иштироки кенгайтирилади;

бизнес талабларига жавоб берадиган илмий ишлар натижаларини ҳужжатлаштириш тизими яратилади;

бозорда илмий-амалий тадқиқотлар натижалари ва ишланмалар тижоратлаштирилади;

илмий-тадқиқот ҳисоботлари халқаро бошқарув ва илмий амалиётга мувофиқлаштирилади;

маҳаллий ва жаҳон илмий-техник ахборотидан фойдаланувчилар учун самарали ва қулай шароитлар яратилади;

хорижий инвесторлар иштирокида илмий марказлар ташкил этилади;

замонавий ва ривожланган илмий-инновацион инфратузилмани яратиш ҳисобига илмий ютуқлар алмашинуви кенгайтирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

475 Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, экспертларнинг баҳолашлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилаётган сўровлар иқтисодиётдаги яширин айланманинг,

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 октябрда эълон қилинган.

айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, турар жой хизматларини кўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан далолат беради, бу эса виждонли тадбиркорларнинг иқтисодий манфаатларига путур етказмоқда, улар учун тенг бўлмаган бизнес юритиш шартларини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, шу жумладан, тартибга солиш ва маъмурий юкни камайтириш ҳисобига тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан:

а) 2022 йил 1 январгача бўлган муддатга умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг банк карталари ва контактсиз тўловлардан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслардан олинган даромадлари умумбелгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмаслиги тартиби жорий этилади;

б) риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун айланмадан олинадиган солиқ ставкаси 25 фоиздан 13 фоизгача пасайтирилади;

в) қурилиш корхоналарига ҳисобот даври учун меҳнатга ҳақ тўлаш фонди жами миқдорининг 10 фоизидан ошмаган ҳажмда (ижтимоий солиқ суммасини ҳисобга олмаганда) иш ҳақини нақд пулда тўлаш ҳуқуқи билан шартнома тузмасдан муддатли равишда ишчилар ёллашга рухсат берилади. Бунда:

қурилиш ташкилотлари белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқнинг тўланишини таъминлайди, шунингдек, ҳар ойда шартнома тузмасдан ёлланган ишчиларга тўланган нақд пул миқдорини кўрсатган ҳолда уларнинг реестрини давлат солиқ хизмати органларига тақдим қилиб боради;

давлат солиқ хизмати органлари қурилиш ташкилотлари томонидан тақдим этилган реестрлар асосида солиқ тўловчиларни автоматик равишда идентификация қилади ва тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисобга олинишини таъминлайди.

Белгилансинки, шартнома тузмасдан ишга ёлланган шахсларга ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар рўй берган тақдирда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилади.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

ҳўжалик юритувчи субъектларга корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда товарларни (хизматларни) шартнома тузмасдан сотиб олишга рухсат берилади, бироқ бунда электрон счёт-фактуралар ёки онлайн-касса машиналарининг чеклари мажбурий равишда олиниши шарт;

2022 йил 1 январгача шундай тартиб ўрнатилганки, унга мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ аудити тайинланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилади;

сайёр солиқ текширувлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга бир ой муддатда солиқ текширувларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда унинг тартиб-таомилларини тубдан содалаштириш, шунингдек, текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишни кўзда тутган ҳолда солиқ текширувларини ўтказиш тартибини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 1-иловага* мувофиқ таркибда, яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссиялар) 2-иловага* мувофиқ намунавий таркибда ташкил этилсин.

Яширин иқтисодиётга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан, қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифаси этиб белгилансин:

бизнеснинг «соядан» чиқишини рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, солиқ режимини содалаштириш ҳамда нақдсиз тўловларни кенгайтириш чораларини кўриш;

қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шаклланган бизнес юритиш амалиётига мослаштириш;

солиқ ва божхона маъмуриятчилиги воситалари ҳисоб ва тушумларнинг тўлиқлигига, шу жумладан, солиқлардан бўйин товлаган жисмоний ва юридик шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишга қаратилишини таъминлаш;

яширин иқтисодиётга қарши курашиш фаолиятини «пулни ювиш»га қарши курашиш соҳасидаги ташкилотлар фаолияти билан мувофиқлаштириш;

очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, яширин иқтисодиётга қарши курашишга кенг жамоатчиликни, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, жамиятда яширин иқтисодиётга муросасизлик ҳиссини шакллантириш, легал бизнес юритишнинг нуфузини ошириш.

4. Жойларда қуйидаги тадбирларни мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорларга фаолиятини қонунийлаштиришда ва зарур рухсатномаларни олишда ёрдам бериш, шунингдек, улар билан профилактика ишларини олиб бориш;

яширин иқтисодиётнинг шаклланишига олиб келадиган сабаблар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

ноқонуний олиб кирилган ёки контрафакт товарларни, шунингдек, юк ташиш ҳужжатларисиз мамлакат ичида ҳаракатланаётган товарларни сотишга қарши курашиш;

биринчи навбатда акцизоти маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш, сотиш ва сақлаш ҳолатларини аниқлаш орқали давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва даромадларни яширишнинг олдини олиш;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аввало, қурилиш объектларида ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги норасмий меҳнат фаолиятини юритиш, шунингдек, иш ҳақини «конвертда» тўлаш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш.

5. Худудий комиссиялар:

икки ҳафта муддатда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ва масъул органлар ҳамда ташкилотларни белгилаган ҳолда «йўл хариталари»ни ишлаб чиқсин ва кутилаётган натижаларни кўрсатган ҳолда уларни Махсус комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этсин; ҳар чоракда яширин иқтисодиётга қарши курашишни такомиллаштириш бўйича таклифларни Махсус комиссияга кўриб чиқиш учун киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига «йўл хариталари»да назарда тутилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши ҳамда ҳудудлар даражасида яширин иқтисодиётни қисқартириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

6. Махсус комиссия (Ж. Қўчқоров) 2021 йил 1 февралга қадар масъул вазирлик ва идораларнинг иши сифатли ташкил этилишини таъминлаб ҳамда бизнес ҳамжамияти, хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда 2021 — 2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегиясини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. Яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда вазирлик ва идораларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича «йўл харита»си 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Махсус комиссия яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўйича, шу жумладан, «йўл харитаси»да кўзда тутилган чора-тадбирларга доир таклифлар муҳокама қилинишини таъминласин, шунингдек, ҳар ой эришилган натижалар бўйича ҳисоботларни эшитиб борсин.

Вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига «йўл харитаси»нинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

8. Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар:

ўзини ўзи банд қилган шахслар ва ҳунармандлар томонидан ҳамда умумий овқатланиш пунктларида сотиладиган товарлар ва хизматлар учун аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда контактсиз технологияларнинг жорий этилишини таъминласин;

банкоматлар ва кўп функцияли ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминаллари тармоғини кенгайтирсин ва уларнинг сонини 10 мингга етказсин;

халқаро молия институтларининг техник ёрдамини жалб қилган ҳолда, нақдсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг онлайн касса машиналарининг чекларида акс этирилган QR-код ёки фискал белги асосида совринли ўйинларни ўтказиш бўйича Тошкент шаҳрида амалга оширилган

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

экспериментни, кўзда тутилган бюджет ажратмалари доирасида 2020 йилда республиканинг барча ҳудудларида амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Давлат солиқ қўмитаси:

а) бир ой муддатда шундай тартиб жорий қилсинки, унга мувофиқ, назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларида фойдаланиш бўйича сайёр текширувлар солиқ тўловчилар кесимидаги чораклик режа-жадвал асосида амалга оширилиши мумкин ҳамда текширув натижалари ва улар бўйича солиқ низоларини кўриб чиқиш натижалари эълон қилиб борилади;

б) икки ой муддатда:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи давлатларнинг солиқ идоралари ўртасида солиқ маълумотларининг автоматлаштирилган алмашинувига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат солиқ қўмитаси раисининг яширин иқтисодиётни қисқартириш масалалари бўйича доимий маслаҳатчиси — чет эллик мутахассисни танлов асосида жалб қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилаётган товарлар ва хизматларни таснифлаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) тадбиркорлик субъектлари ўртасида тўлов терминаллари ва онлайн назорат-касса машиналаридан фойдаланмасдан фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлик чоралари тўғрисида мунтазам равишда, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб борсин.

11. Қўйидагилар Ҳисоб палатасининг қўшимча вазифалари сифатида белгилансин:

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

худудий комиссиялар томонидан 2021 — 2025 йилларда яширин иқтисодиётни қисқартириш стратегияси ҳамда қабул қилинган «йўл хариталари» амалга оширилишини назорат қилиш;

давлат бошқарув органларида, шунингдек, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган муассаса ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали ички назорат тизимлари жорий қилинишини таъминлаш чоралари амалга оширилишини назорат қилиш;

яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиб бориш.

12. Ҳисоб палатаси тузилмасида бошқарув ходимлари штат бирликлари доирасида Иқтисодиётда яширин айланмани камайтириш ва бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини аниқлаш шуъбаси ташкил этилсин.

13. Давлат солиқ қўмитаси 2021 йил 1 апрелгача 4-иловага* мувофиқ реал вақт режимида қўшимча маълумотлар алмашинувини таъминлайдиган идоралараро аппарат мажмуасини фойдаланишга топширсин.

14. Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марка-

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зини (кейинги ўринларда — Марказ) замонавий сервер ускуналари ва тегишли дастурий таъминот билан таъминлашни тезлаштириш ва бирламчи қўшимча жиҳозлаш мақсадида Молия вазирлиги 2020 йилда Давлат солиқ қўмитасига республика бюджетининг ортиқча бажарилган даромадлари ҳисобидан 100 миллиард сўмгача бўлган миқдорда маблағ ажратсин.

Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги Марказни модернизация қилиш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари ходимларининг малакасини ошириш учун Жаҳон банкининг имтиёзли кредитини жалб қилишни тезлаштирсин.

Марказни жиҳозлаш учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар 2022 йил 1 январга қадар божхона божидан озод қилинсин.

Давлат солиқ қўмитасига, истисно тариқасида, Марказни жиҳозлаш учун ускуналарни, дастурий ва моддий-техник воситаларни лойиҳалаштириш, етказиб бериш ва ўрнатиш, шунингдек, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олиш ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан шартномалар (контрактлар) тузишга рухсат берилсин.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Кудбиев зиммасига Марказни жиҳозлаш учун зарур ускуналар, дастурий ва моддий-техник воситалар хариди жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, харид жараёнлари натижаларини эълон қилиш юзасидан жавобгарлик юклатилсин.

15. Тегишли вазирлик ва идораларнинг умумий штат бирлиги доирасида:

а) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги таркибида — Яширин иқтисодиётни таҳлил қилиш бошқармаси ташкил этилсин, таҳлиллар ўтказиш ва яширин фаолият даражаси юқори бўлган иқтисодиёт соҳаларини аниқлаш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

б) Давлат солиқ қўмитаси таркибида:

Солиқ назорати департаменти ташкил этилсин, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш, қўшилган қиймат солиғи билан боғлиқ фирибгарлик схемаларини аниқлаш ва агрессив солиқ режалаштиришга қарши курашиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

2021 йил 1 июлдан бошлаб махсус таркибий бўлинма ташкил этилсин, солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш ва аниқлаш, шунингдек, қўшилган қиймат солиғи занжирини шакллантиришда контрагентлар ўртасида ҳисобкитобларни таҳлил қилиш унинг асосий вазифалари этиб белгилансин;

в) Молия вазирлигида — яширин иқтисодиётни қисқартириш ишларини ташкил этиш бўлими тузилсин, унга Махсус комиссиянинг ишчи органи вазифалари ҳам юклансин.

16. 2020 йил 1 ноябрдан давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимлари сони 1 154 штат бирлигига ёки 10 фоизга қисқартирилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 10 512 штат бирлиги, шу жумладан, Давлат солиқ қўмитасининг марказий аппаратида — 498 штат бирлиги этиб белгилансин.

17. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати-нинг тузилмаси 5-иловага* мувофиқ;

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекция-сининг тузилмаси 6-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг тузилмаси 7-иловага* мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) давлат солиқ инспекцияларининг тузилмаси 8-илова-га* мувофиқ тасдиқлансин.

18. Давлат солиқ қўмитаси раисига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларнинг, шунинг-дек, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекция-сининг тасдиқланган тузилмаларига бошқарув ходимларининг умумий чек-ланган сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

бўйсунувидаги хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар ходимлари сонини белгилаш, уларнинг тузилмасини, штат бирликларини, шу жумладан, бош-қарув ходимларининг штат бирликларини, иш ҳақи фондини, харажатлар сметасини, транспорт воситаларининг лимитини тасдиқлаш, шунингдек, уларнинг мол-мулкини тасарруф этиш.

19. Белгилансинки, давлат солиқ хизмати ва божхона хизмати орган-ларининг мансабдор шахслари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилув-чи органлар томонидан фақат солиқ, божхона ва валюта қонунчилигига рия қилишга доир текширувларни ўтказиш учун ҳафтасига 16 иш соатидан кўп бўлмаган муддатга жалб қилиниши мумкин.

20. Махсус комиссия (Ж. Қўчқоров) Ўзбекистон Миллий ахборот агент-лиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда тад-биркорлар ва аҳолини қонуний бизнес юритишнинг нуфузини ошириш ва ноқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга нисба-тан мурасасизлик ҳиссини тарғиб қилишга жалб этиш бўйича «медиа-ре-жа»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республика-си Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 9-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 октябрь,
ПФ–6098-сон

* 5 — 9-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилин-ган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

476 «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпания-сининг авиа йўловчилари ҳисобидаги чет эл фуқароларига транзит визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1056-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида»ги қарорининг 5-иловасига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг 2001 йил 11 июлдаги «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиа йўловчилари ҳисобидаги чет эл фуқароларига транзит визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1056, 2001 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 14-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ «Uzbekistan Airways» АЖ билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 октябрь,
58-сон

Келишилди:

**«Uzbekistan Airways» АЖ
Бошқаруви раиси в. б.**

Б. ХАКИМОВ

2020 йил 8 октябрь

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

477 **Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994-2

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон қарори (рўйхат рақами 2994, 2018 йил 5 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2018 й., 10/18/2994/1014-сон) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 сентябрь,
21/13-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
21 сентябрдаги 21/13-сонли қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка молиявий
ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
қўшимча ва ўзгартириш**

1. 2-банднинг биринчи хатбошиси «кредит ташкилотлари» деган сўзлардан кейин «Марказий банкка» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
2. 2, 3, 4 ва 5-иловалар мазкур қўшимча ва ўзгартиришнинг 1, 2, 3 ва 4-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**478 Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт
воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида****

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июлдаги ПФ-6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички ишлар вазирлигининг 2010 йил 28 октябрдаги 01-02/12-8, 20-сон қарори (рўйхат рақами 2156, 2010 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 октябрда эълон қилинган.

хужжатлари тўплами, 2010 й., 47-сон, 439-модда) билан тасдиқланган Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини боғхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Давлат боғхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 14 сентябрь,
01-02/12-14-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 сентябрь,
66-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат боғхона қўмитасининг 2020 йил
14 сентябрдаги 01-02/12-14-сон ва
Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил
10 сентябрдаги 66-сон қарорига
ИЛОВА

**Боғхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт
воситаларини боғхона расмийлаштирувидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» «Авто» ЯААТ дастури орқали кириш боғхона пости ходими томонидан давлат, рус ва инглиз тилларидан бирида чоп этилади ҳамда хорижий автотранспорт воситасининг эгасига (ҳайдовчисига) берилади.».

2. Қуйидаги мазмундаги 12¹-банд билан тўлдирилсин:

«12¹. Вақтинча олиб кириш муддати тугашидан олдин Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган ҳайдовчи боғхона органига автотранспорт воситасини вақтинча сақлаш учун ёзма ёки электрон тарзда муружаат қилган тақдирда, ушбу автотранспорт воситаси боғхона органи томонидан белгиланадиган жойларда вақтинча сақлаш даври учун мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган йиғим тўланмайди, бундан автотранспорт воситасини сақлаш билан боғлиқ харажатлар мустасно ҳисобланади.».

3. 17-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Вақтинча олиб кириш муддати тугашидан олдин ушбу муддатни узайтириш учун хорижий автотранспорт воситасининг ҳайдовчиси белгиланган муддат тугашидан аввал Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг мазкур хорижий автотранспорт воситаси турган жойдаги божхона постларидан бирига муддатни узайтиришни сўраб мурожаат қилиши ёки электрон тарзда масофадан тўловларни амалга оширган ҳолда реал вақт режимида автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш муддатини узайтириши лозим.

Мурожаатга божхона органларининг ҳисоб рақамига мазкур Низомнинг 16-бандида кўрсатилган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ваколатли банк томонидан берилган ҳужжат нусхаси илова қилинади.

Тегишли божхона пости вақтинча олиб кириш муддатини йиғим қанча муддат учун тўланган бўлса, шунча муддатга узайтиради ва «Авто» ЯААТда аввал киритилган муддатни ўзгартиради.».

4. 19-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«божхона пости томонидан ундирилади ёки ҳайдовчи томонидан электрон тарзда масофадан реал вақт режимида тўланади;

банк орқали тўланганда банк қвитанцияси асосида кирим қилинади.».

5. 21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Белгиланган қайтариб олиб чиқиш муддатидан 5 кундан ортиқ вақт ўтган ва республика ҳудудидан қайтариб олиб чиқилмаган хорижий автотранспорт воситалари тўғрисида «Авто» ЯААТда электрон маълумотлар автоматик тарзда шаклланади ва ДЙХХХга реал вақт режимида юборилади.».

6. 22 ва 51-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 23-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. ДЙХХХнинг ҳудудий органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида республика ҳудудидан қайтариб олиб чиқилмаган хорижий автотранспорт воситалари аниқланган тақдирда улар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш учун уч иш куни мобайнида давлат божхона хизматининг ҳудудий органларини хабардор қиладилар.».

8. 27-банддаги «давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига» деган сўзлар «божхона постларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 28-банддаги «Давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари» ва «давлат божхона хизматининг ҳудудий органининг» деган сўзлар тегишли равишда «Божхона постлари» ва «божхона постининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 29-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Кўриб чиқиш якуни бўйича бир иш куни мобайнида божхона постлари томонидан «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома» дубликати берилади. «Автотранспорт воситасини қайтариб олиб чиқиш тўғрисида мажбуриятнома»нинг юқори ўнг бурчагига «Дубликат» деб ёзилади ва божхона пости бошлиғи ёки унинг ўринбосари имзоси ва пост муҳри билан тасдиқланади.».

11. Қуйидаги мазмундаги 57¹-банд билан тўлдирилсин:

«57¹. Божхона тўловларидан имтиёз қўлланилган ҳолда «эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштирилган автотранспорт воситасини 3 йил давомида қайта жиҳозлаш божхона юк декларациясида кўрсатиб ўтилган ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси коди ўзгаришига олиб келса, божхона расмийлаштируви вақтида божхона тўловларидан берилган имтиёзлар тўланган тақдирда ушбу автотранспорт воситасини қайта жиҳозлашга рухсат берилади, бундан автотранспорт воситасини ёқилғи турини ўзгартириш билан боғлиқ қайта жиҳозлаш ҳолатлари мустасно ҳисобланади.»

12. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

*Савдо-саноат палатаси раисининг
биринчи ўринбосари*

И. ДЖАСИМОВ

2020 йил 25 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

479 **Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирил-
ладиган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни
тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар
киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 25 майдаги 111-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2231, 2011 йил 25 май) (Ўзбекистон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 октябрда эълон қилинган.

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 218-модда) билан тасдиқланган Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 октябрь,
242-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 28 октябрдаги
242-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган
васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 2-банднинг тўққизинчи хатбошисидаги «давлат нотариал идораларига» деган сўзлар «нотариал идораларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 7-банднинг еттинчи хатбошисидаги «руҳий касаллиги» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 15-банднинг «в» кичик бандидаги ҳамда 22-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги «давлат нотариал идорасига» деган сўзлар «нотариал идорага» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 1-иловадаги жадвалнинг еттинчи устунидаги «давлат нотариал идорасига» деган сўзлар «нотариал идорага» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 2 ва 3-иловаларнинг матнидаги «давлат нотариал идорасининг» ва «давлат нотариал идорасига» деган сўзлар тегишли равишда «нотариал идоранинг» ва «нотариал идорага» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 9-илованинг матнидаги «давлат нотариал идорасининг» деган сўзлар «нотариал идоранинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**480** «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2333-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 2 мартдаги 53-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2333, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 98-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 октябрь,
235-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 28 октябрдаги
235-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг
Умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги
буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1-иловада:

а) 01.00.00.00 КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ бўлимидаги «01.14.04.00 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатига олиш» коди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«01.14.04.00 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш»;

б) 02.00.00.00 ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АСОСЛАРИ бўлимида:

«02.01.05.00 Вазирлар Маҳкамаси Девони» коди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«02.01.05.00 Вазирлар Маҳкамаси аппарати»;

«02.08.02.00 Давлат эҳтиёжлари. Давлат буюртмалари» коди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«02.08.02.00 Давлат эҳтиёжлари. Давлат харидлари»;

қуйидаги мазмундаги код билан тўлдирилсин:

«02.08.09.01 Ҳуқуқий тарғибот»;

қуйидаги мазмундаги код билан тўлдирилсин:

«02.08.14.00 Рақамли иқтисодиёт»;

в) 07.00.00.00 МОЛИЯ ВА КРЕДИТ Тўғрисидаги қонунчилик. БАНК ФАОЛИЯТИ бўлимида:

«07.09.00.00 Солиқлар ва йиғимлар» боби қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«07.09.00.00 Солиқ қонунчилиги»;

қуйидаги мазмундаги кодлар билан тўлдирилсин:

«07.09.03.00 Солиқлар ва йиғимлар

07.09.04.00 Солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари»;

«07.10.00.00 Умумдавлат солиқлари», «07.11.00.00 Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар» ҳамда «07.16.00.00 Мажбурий тўловлар, ажратмалар ва йиғимлар» боблари ўз кучини йўқотган деб топилсин;

г) 08.00.00.00 УЙ-ЖОЙ ҚОНУНЧИЛИГИ. КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК бўлимидаги «08.01.08.00 Кўп квартирали яшашга мўлжалланган уйдаги умумий мол-мулк. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати» коди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«08.01.08.00 Кўп квартирали уйларни бошқариш»;

д) 09.00.00.00 ТАДБИРКОРЛИК ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ бўлимида:

«09.03.05.00 Хўжалик судида банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби» коди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«09.03.05.00 Судда банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартиби»;

қўйидаги мазмундаги код билан тўлдирилсин:

«09.10.22.01 Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари»;

«09.14.06.00 Фермер хўжаликлари» коди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«09.14.06.00 Фермер хўжаликлари. Кластер ва иссиқхона хўжаликлари»;

е) 10.00.00.00 ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ. БОЖХОНА ИШИ бўлимидаги «10.01.07.00 Эркин иқтисодий зоналар. Эркин савдо зоналари ва божхона иттифоқлари» коди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10.01.07.00 Махсус иқтисодий зоналар»;

ж) 13.00.00.00 ТАЪЛИМ. ФАН. МАДАНИЯТ бўлимида:

«13.01.00.00 Таълим» боби қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13.01.00.00 Таълим

13.01.01.00 Умумий қоидалар

13.01.02.00 Таълим тизимини бошқариш

13.01.03.00 Таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш

13.01.04.00 Давлат таълим стандартлари ва талаблари

13.01.05.00 Давлат таълим муассасалари ва ташкилотлари

13.01.06.00 Нодавлат таълим ташкилотлари

13.01.07.00 Хорижий мамлакатларнинг таълим муассасалари ва ташкилотлари

13.01.08.00 Таълим турлари

13.01.08.01 Мактабгача таълим ва тарбия

13.01.08.02 Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим

13.01.08.03 Професионал таълим

13.01.08.04 Олий таълим

13.01.08.05 Олий таълимдан кейинги таълим

13.01.08.06 Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

13.01.08.07 Мактабдан ташқари таълим

13.01.09.00 Болалар уйлари. Вояга етмаганлар билан ишлаш

13.01.10.00 Педагогларнинг ва таълим ташкилотлари бошқа ходимларининг ҳуқуқий мақоми

13.01.11.00 Таълим муассасаларига қабул қилиш, ўқишни кўчириш, ўқишдан четлаштириш ва қайта тиклаш

13.01.12.00 Чет эллик фуқароларни таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш

13.01.13.00 Фуқароларни чет элга ўқишга юбориш

13.01.14.00 Таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш

13.01.15.00 Таътиллер. Болаларнинг ёзги дам олиши

13.01.16.00 Амалиёт. Стажировка

13.01.17.00 Олимпиадалар. Танловлар»;

з) 14.00.00.00 СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ. СПОРТ. ТУРИЗМ бўлимидаги «14.02.04.00 Олимпия ҳаракатлари» коди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14.02.04.00 Олимпия ва паралимпия ҳаракати»;

и) 16.00.00.00 ХАВҒСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚ ТАРТИБОТ МУҲОҒАЗАСИ бўлимида:

қуйидаги мазмундаги код билан тўлдирилсин:

«16.02.07.00 Миллий гвардия органлари»;

«16.02.07.00 Бошқа давлат хавфсизликни таъминлаш органлари» коди

«16.02.08.00 Бошқа давлат хавфсизликни таъминлаш органлари» коди деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги код билан тўлдирилсин:

«16.04.12.00 Коррупцияга қарши курашиш»;

«16.05.03.00 Паспорт-виза тизими. Прописка қилиш. Рўйхатга олиш» коди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16.05.03.00 Паспорт-виза тизими. Доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш»;

«16.12.09.00 Ишни судга қадар юритиш (жиноят ишини қўзғатиш, суриштирув, дастлабки тергов)» коди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16.12.09.00 Ишни судга қадар юритиш»;

«16.12.11.00 Ҳукм, ажрим, қарорларнинг қонунийлигини, адолатлилигини ва асослилигини текшириш (Апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритиш)» коди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16.12.11.00 Ҳукм, ажрим, қарорларнинг қонунийлигини, адолатлилигини ва асослилигини текшириш»;

к) 17.00.00.00 ОДИЛ СУДЛОВ бўлимида:

«17.02.06.00 Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари» коди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17.02.06.00 Маъмурий судлар»;

«17.02.10.00 Туман (шаҳар) маъмурий судлари» коди чиқариб ташлансин.

2. 2-иловада:

5-банддаги «Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан» деган сўзлар «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банддаги «ҳуқуқий ахборот маркази» деган сўзлар «миллий ҳуқуқий ахборот маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

481 «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3066-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 514-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тизимида самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2018 йил 1 августдаги 256-ум ва 119-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3066, 2018 йил 5 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2018 й., 10/18/3066/1836-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 октябрь,
3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 октябрда эълон қилинган.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 октябрь,
46-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг 2020 йил 10 октябрдаги 58-сон «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиа йўловчилари ҳисобидаги чет эл фуқароларига транзит визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1056-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 21 сентябрдаги 21/13-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 01-02/12-14-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил 10 сентябрдаги 66-сон «Божхона чегарасидан олиб ўтилаётган автотранспорт воситаларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2156-3.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 28 октябрдаги 242-мх-сон «Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар, ишончномалар ва аризаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2231-2.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 28 октябрдаги 235-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умум-ҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2333-3.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 24 октябрдаги 3-сон, Молия вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 46-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий фазна ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3066-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг авиа йўловчилари ҳисобидаги чет эл фуқароларига транзит визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1056, 2001 йил 28 июль).

2020 йил 26 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ФХДЁ бўлимлари фаолиятини молиялаштириш учун махсус ташкил қилинадиган шахсий фазна ҳисобварағига йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3066, 2018 йил 5 сентябрь).

2020 йил 29 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.